

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ИСМАТОВА ТЎЛҒАНОЙ КЕЛДИБОЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИՒФ МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИНИ
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ
ЙЎЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5А 141603 Бошланғич таълим

Бошланғич таълим йўналиши бўйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Ҳимояга тавсия этаман
Магистратура бўлими бошлиғи
_____ Н.А.Муслимов

« _____ » июнь 2011 й.

“Бошланғич таълим” кафедрасида
“ “ май 2011 йилда муҳокама қилинди
ва ҳимояга тавсия этилди.
Кафедра мудири
• _____ доц. Х.Санакулов

Илмий раҳбар:
_____ доц. Қ.М.Абдуллаева

МУНДАРИЖА

КИРИШ	
I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1.	Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мавжуд ҳолати.....
1.2.	Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий асослари....
1.3.	Ўқув жараёнига педагогик технологияларни фаол тадбиқ этиш имкониятлари. Биринчи боб бўйича хулосалар.....
II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	
2.1.	Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг тадбиқ этилиш йўллари.....
2.2.	Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишда ахборот технологиясидан фойдаланиш.....
2.3.	Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида технологик ёндашув Иккинчи боб бўйича хулосалар.....
III БОБ. ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ	
3.1.	Тажриба-синов ишларини ўтказиш методикаси.....
3.2.	Тажриба - синов ишларининг натижалари ва уларнинг самарадорлик даражаси..... Учинчи боб бўйича хулосалар.....
ХУЛОСА.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
ИЛОВАЛАР.....	

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар жамият тараққиётини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини жорий этиш, шунингдек, мустақил фикр эгаси, эркин ва ижодкор шахсни тарбиялаб вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказади”,¹ - деб айтиб ўтган теран фикрлари узлуксиз таълим тизимида бош вазифалардан бири баркамол шахсни шакллантириш эканлигини асослайди.

Шунингдек, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир” маърузасида: “Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиш соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси қамровига кўра улкан вазифалар турибди”, - деб таъкидлаб ўтган эди. Маърузада белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтиришда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш, дунёқарашини шакллантириш, таълим жараёнига инновацион технологияларни кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозим.

Мустақил Республикамизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислох қилишдан кўзланган муҳим вазифалардан бири ўқитишнинг илғор, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, интерфаол усулларини таълим жараёнига жорий этиш орқали ҳар томонлама етук, мустақил

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008, -40,41-б.

фикрловчи, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланди. Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шу сабабли бу соҳага оид таълим машғулотларини олиб бориш ишларини такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Жумладан, ёшларга таълим беришда ўқитиш усуллари такомиллаштириш, бунда ўқувчининг фаоллигини ошириш юқорида айтилган асосий вазифалардан биридир.

Мазкур муомманинг ечимига оид чет эл педогог олимларидан Боб Кизлик, Ф.С.Келлер, В.И.Боголюбов, В.Ф.Шаталов, Б.Блум, Б.Скиннер, З.Гузеев, Л.А.Бойкова, Л.К.Гребенкина, В.Б.Беспалько, Ш.А.Амоношвили, М.Кларин, Н.Ф.Талызина, И.П.Иванов, С.Н.Лисенкова кабилар педагогик технология муаммолари устида изланишлар олиб боришган.

Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда бу жараёнга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кузатувларимиз, педагогик тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, мактабда айниқса, бошланғич синф дарсларида замонавий усул ҳамда замонавий педагогик технологияни кенг йўлга қўйиш жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли республикамизнинг жуда кўп олимлари бу масала устида тинмай изланиш олиб бормоқдалар. Н.Азизхўжаева, Р.Мавлонова, Н.Сайидахмедов, У.Нишоналиев, Ў.Толипов, Р.Жўраев, Л.Б.Фарберман, Н.А.Муслимов, К.Зарипов, С.Оғаев, Ж.Йўлдошев, К.Бойсалов ва бошқалар педагогик технология назариясини, педагогик технологиянинг асосий йўналишларини, мезонларини ўз ишларида очиб берганлар.

Жумладан, педагог олимлар Р. Мавлонованинг “Меҳнат таълим методикаси” номли қўлланмасида, Х.Санақулов, Д.Ходиеваларнинг “Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланмасида, Г.И.Перевертеньнинг “Бошланғич синфларда техник ижодкорлик” номли китобида бошланғич синфларда таълимни ташкил қилиш жараёнида педагогик технологияларнинг ўрни илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Бироқ юқоридаги амалга оширилган тадқиқотларда бошланғич синф меҳнат дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўллари алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаган.

Муаммонинг долзарблиги, назарий-методик талаблари, амалий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда биз магистрлик тадқиқот ишимизнинг мавзусини **“Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўллари”** деб танладик.

Тадқиқот мақсади: бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг самарали шакл ва усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини - бошланғич синф меҳнат таълими дарслари жараёни

Тадқиқот предметини - бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш жараёни.

Тадқиқот илмий фарази - бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш натижасида юқори самарадорликка эришилади, агарда:

1. Педагогик технологияларнинг мазмун ва моҳияти, тузилиши бошланғич синф меҳнат таълими ўқитувчиси томонидан чуқур ўзлаштирилган бўлса;
2. Бошланғич синф меҳнат таълими жараёнига замонавий педагогик технологиялар самарали жорий этилса;
3. Меҳнат таълими фанидан замонавий таълим талабларига мос ўқув-услубий мажмуа яратилса;

4. Педагогик технология элементлари асосида ташкил этилган ўқув жараёни ва унинг натижаси, ўқитувчи ўз педагогик фаолиятига ижобий муносабатда бўлса.

Муаммонинг мақсади, объекти, предмети ва илмий фаразларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг **вазифалари** белгилаб олинади:

- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш;
- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг мақбул шакл, восита ва усулларини белгилаб олиш;
- педагогик тажриба-синов ишларида ўқув услубий мажмуани татбиқ этиш орқали бошланғич синф меҳнат дарслари самарадорлик даражасини аниқлаш ва уларни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўллари ишлаб чиқиш;
- тажриба-синов натижалари асосида бошланғич синф ўқитувчилари учун меҳнат таълими дарсларини самарали ташкил этиш бўйича методик тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг методологик асослари бўлиб «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги И.А.Каримовнинг методологик аҳамият касб этувчи асарлари, бошланғич таълим ва педагогика фани концепциялари хизмат қилади.

Тадқиқот методлари - мавзуга оид илмий адабиётлар ва мақолалар таҳлили; илғор бошланғич синф ўқитувчиларининг иш тажрибаларини умумлаштириш; муаммога тегишли бўлган мактаб ҳужжатлари ва ўқувчиларнинг ижодий ишларини ўрганиш; мақсадли кузатув, савол-жавоб; педагогик эксперимент; тўпланган маълумотларни статистик таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди ва унинг долзарблиги асосланди;
- бошланғич синф меҳнат таълимида янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мақбул шакл, восита ва усуллари ишлаб чиқилди, шунингдек, амалиётга татбиқ этилди;
- педагогик тажриба-синов ишларида ўқув услубий мажмуани татбиқ этиш орқали бошланғич синф меҳнат дарслари самарадорлик даражасини аниқлаш ва уларни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўллари ишлаб чиқилди;
- тажриба-синов натижалари асосида бошланғич синф ўқитувчилари учун меҳнат таълими дарсларини самарали ташкил этиш бўйича методик тавсиялар берилди ва замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш самарадорлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти - бошланғич синф меҳнат таълими жараёнида педагогик технологиялар, ўқитишнинг замонавий усулларини қўллашнинг шарт-шароитларини ҳар томонлама очиб бериш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти - ундаги назарий-услубий тавсиялардан бошланғич синф ўқитувчилари меҳнат таълими дарсларини самарали ташкил этишда унумли фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқотнинг тажриба-синов майдони - Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 29-араб тилига ихтисослашган махсус умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синфларида ўтказилди.

Тадқиқотни амалга ошириш босқичлари - диссертация икки босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқич – 2009-2010 йилларда магистрлик диссертацияси мавзусига оид ишлар таҳлил қилинди, педагогик, психологик, социологик ва методик адабиётлар таҳлил этилди.

Асословчи тадқиқот учун анкета, мавзу бўйича услубий мажмуа, ишланмалар ишлаб чиқилди ва амалга ошириш режалаштирилди.

Иккинчи босқич – 2010-2011 йиллар бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг самарали усулларидан фойдаланилди. Тажриба - синов ишлари мезонлари аниқланди ва ўқувчилар билимлари кўрсаткичларига статистик ишлов берилди. Методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 8 та банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 86 бетда баён этилган. *10 та жадвал, 1 та шакл, 84 та фойдаланилган манбалар рўйхатини ва 2 та иловани ўз ичига олган.*

I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мавжуд ҳолати

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра мустақил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади». ²

Ривожланган мамлакатларда бу соҳада бой тажриба тўплангандир. Педагогик технологиялар моҳиятини тўлақонли англаш учун мазкур иборанинг луғавий маъносини тушуниб олиш тақозо этилади. «Технология» юнонча сўз бўлиб, «techne» - маҳорат, санъат ва «logos» - тушунча, таълимот, фан маъносини англатади.

“Таълим технологияси” иборасининг маъноси - (инглизча “An educational technology”) Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

В.В.Кларин томонидан яратилган «Педагогическая технология в учебном процессе» номли асарда В.П.Беспалько томонидан баён этилган мулоҳазалар тўлдирилиб, педагогик технологияларнинг бошланғич синф меҳнат таълими дарсларига татбиқ этиш шарт-шароитлари борасидаги қарашлар илгари сурилади. В.П. Беспалько ва М.В.Кларинларнинг тадқиқотларида «педагогик технология» тушунчасига таъриф берилган.

Б.Лихачев таълим технологияси тушунчасининг моҳияти «психологик педагогик ўғитлар йиғиндиси»ни англатишини қайд этган бўлса, В.И.Шепель

² Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари Т.: Ўзбекистон, 1998 й. –62 б.

Б.Лихачевнинг «шакл, метод, усул, ўқитиш йўллари ҳамда тарбиявий воситалар мажмуи» дир деган фикрини қўллаб-қувватлайди .

Ўз навбатида, В.М.Монахов В.П.Беспальконинг қарашларига қўшилган ҳолда таълим технологияси «ўқувчи ва ўқитувчиларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаш, ташкил этиш, ўқитиш бўйича уларнинг педагогик фаолиятини ҳар томонлама пухта ўйланган андозаси» эканлигига урғу беради.

Инглиз олими Б. Блум таълим технологияси мазмунида таълим мақсадининг аниқ белгиланиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган.

Б.Блум томонидан асосланган таксономия муайян фан ёки ўқув курси асосларини ўзлаштириш бўйича мақсадни ойдинлаштиришга хизмат қилувчи феъллар қуйидагилардан иборатдир:

Билиш:	айтмоқ	танимоқ
	маълумот бермоқ	ажратмоқ
	ёзмоқ	такрорламоқ
	ёзиб қўймоқ	тасвирламоқ
	кайта ишлаб чиқмоқ	гапириб бермоқ
Тушуниш:	тушунтирмоқ	айлантирмоқ
	белгиламоқ	кўрсатмоқ
	алмаштирмоқ	очмоқ
	далил келтирмоқ	ўтказмоқ
	ойдинлаштирмоқ	шарҳламоқ
Қўллаш:	ўргатмоқ	белгилаш
	намойиш этмоқ	аниқлаш
	фойдаланмоқ	ечиш
	ҳисоблаб чиқмоқ	рўёбга чиқариш
	жорий этмоқ	жорий этиш
Анализ:	чиқариш	бўлиб чиқмоқ

	ажратиш	тақсимлаш
	табақалаштириш	олдиндан айтиш
	таснифлаш	текшириш
Синтез:	режалаштириш	лойиҳалаштириш
	ишлаб чиқиш	тузиш
	умумлаштириш	бирлаштириш
	бирлаштириш	тизимлаштириш
	ихтиро қилмоқ	яратиш
Баҳолаш:	ўлчамоқ	назорат қилиш
	исботламоқ	солиштириш
	асослаш	таққослаш
	маъқуллаш	текшириш
		баҳо бериш

ЮНЕСКО ташкилоти ҳам ушбу тушунчага нисбатан ўзига хос ёндашади, хусусан, «...таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир»

Сўнгги йилларда ўзбек олимлари томонидан ҳам таълим технологияси назариясига оид бир қатор мақола, рисола ва қўлланмалар яратилди. Хусусан, педагог олим М.О.Очилов мазкур иборани «Педагогик технология - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир» дея шарҳласа [], Н.Саидахмедов эса қуйидагича: “Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб

олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни», - деган таърифни беради.

Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар эса «педагогик технология» тушунчанинг моҳиятини қуйидагича ифодаляйдилар: «педагогик технология - бу муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир» [].

Б.Фарберман, М.О.Очилов, Ў.Қ.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан ҳам педагогик технология назарияси ва унинг моҳияти ўрганилгандир. Чунончи, Б.Фарберман ҳамда М.О.Очиловлар таълимни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашув, ўқув ва тарбиявий фаолият мақсадларининг назорат (тест) топшириқларига айлантириш, бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида педагогик технологияларни қўллаш борасида фикр юритсалар, Ў.Қ.Толипов томонидан олиб борилган тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчи кадрларни тайёрлашга йўналтирилган фаолиятни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш масаласининг моҳиятини ёритишга кенг ўрин ажратилади [].

Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан яратилган асарда педагогик технологиянинг назарий асосларини амалий педагогик фаолиятга татбиқ этиш масаласи ўрганилган. Шунингдек, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишнинг амалий асосларини очиб беришга ҳаракат қилинган [].

Файласуф олимлар Б.Зиёмуҳаммедов ва Ш.Абдуллаевалар томонидан яратилган «Янги педагогик технология: назария ва амалиёт» номли асарда «Маънавият асослари» дарсларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш масалалари очиб берилган бўлиб, бу борадаги бир қатор ишланмалар китобхонларнинг эътиборига ҳавола этилган [].

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда шундай хулосага келишимиз мумкин:

1. Педагогик технология ва унинг моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи манбаларнинг аксариятида ушбу ҳодисанинг назарий асослари батафсил очиб берилган.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларнинг аксариятида «педагогик технология»нинг таърифи ҳам ёритиб берилган бўлса-да, бу соҳада хануз ягона бир таъриф яратилган эмас.

3. Мавжуд адабиётларнинг деярли барчасида асосий урғу таълим технологиялари уларнинг моҳияти ва афзалликлари каби масалаларнинг тадқиқига берилган бўлиб, тарбия технологиялари ва уларнинг моҳиятини очиб бериш борасида муайян ютуқларга эришилмаган.

4. Яратилган манбаларда узлуксиз таълим тизимининг маълум босқичида таълим муассасалари фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш (педагог олим Ў.Қ.Толипов томонидан олиб борилган тадқиқот иши бундан мустасно) муаммолари тадқиқ этилмаган.

5. Айни вақтда узлуксиз таълим тизимининг тизимининг муайян босқичида таълим муассасалари, шу жумладан, бошланғич синф меҳнат таълими дарслари, ўқув фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммоси долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишга муҳтождир.

Юқорида келтирилган фикрлардан англашиниладики, «педагогик технология» тушунчаси ўзида бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини ташкилий-методик мажмуалар ёрдамида ташкил этиш ва бу жараёнда муайян ютуқларга эришиш мумкинлигини ифодалайди. Педагогик технологиялар анъанавий таълим шакл ва методларидан фарқли равишда педагогик фаолиятни олдиндан лойиҳалаш, мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш, ўқувчи, бошланғич синф ўқувчилари томонидан ўзлаштирилиши назарда тутилаётган билим, кўнгилма ва малакалар даражасини ташқишлаш, таълим самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш каби ҳаракатларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларинг мақсадини аниқ ва пухта белгиланиши яхлит педагогик фаолият муваффақиятини таъминлашга пойдевор яратади. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг мақсади ДТС, ўқув режаси ва дастури, шунингдек, дарслик ва қўлланмалар мазмунида ўз ифодасини топган маълум мавзулар ҳамда ўқув фанининг ўзига хос жиҳатлари, ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, эҳтиёж, кизиқишлари, педагогларнинг билими, касб маҳорати, ижодий лаёқати педагогик вазиятларни инобатга олиш асосида белгиланади.

Педагогик фаолиятнинг мақсади аниқ, пухта, шунингдек, ташҳисланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу қуйидаги ҳолатларни вужудга келтиради:

а) шахснинг маънавий-ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳияти шундай аниқ ва равшан ифодаланадики, натижада ҳосил бўладиган интеллектуал-ахлоқий сифатларини ўқувчи ёки ўқувчининг бошқа хислатларидан фарқлай олиш имконияти яратилади;

б) шахснинг ташҳисланган маънавий-ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳиятининг шаклланадиган даражасини ҳаққоний назорат қилишга йўналтирилган аниқ усулларнинг мавжудлиги таъминланади;

в) шахснинг аввалдан ташҳисланган сифатларини аниқлашга йўналтирилган назорат унда ҳосил бўлган ақлий-ахлоқий сифатлар даражасини белгилабгина қолмай, балки педагогик фаолият самарадорлигини ҳам аниқлайди;

г) ташҳислаш мақсади доирасида шахснинг ақлий-ахлоқий сифатлари даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларга таянган ҳолда фаолият олиб бориш шахс билим, кўникма ва малакаларининг сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар мавжуд бўлади.

Педагогик фаолиятни ташҳислаш бир неча босқичларда олиб борилиб, ушбу босқичларнинг ҳар бирида маълум вазифалар ҳал қилинади. Педагогик фаолият жараёнини лойиҳалаш қуйидаги босқичлардан иборат:

1) муайян ўқув предмети мундарижасидан ўрин олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни йиғиш, уларнинг мазмунини ўрганиш, асосий

ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ва яхлитлаштириш каби вазифалар бажарилади;

2) маълум ўқув предмети таркибига кирган мавзу ёки фаолият мазмуни юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаб олиш, ушбу мақсад доирасида кичик бўлим ёки бандлар бўйича хусусий мақсадларни ҳам аниқлаш, педагогик фаолият юзасидан умумий мақсадга эришиш йўлида ижобий ҳал этилиши тақозо қилинадиган вазифалар ишлаб чиқилади. Мазкур босқич натижалари ҳамда самараси хусусий мақсадларнинг умумий мақсад доираси аниқ ва пухта белгиланишида акс этади.

3) муайян ўқув предметининг маълум мавзуси ёки фаолият юзасидан белгиланган мақсад ва вазифаларга таянган ҳолда мавзу бўйича ташкил этиладиган машғулот ёки фаолият (фаолиятни йўлга қўйиш сценарийси) мазмуни ишлаб чиқилади. Мавзу бўйича олиб бориладиган машғулот ёки фаолият мазмунида уларнинг яхлит моҳиятини ифода этувчи назарий ва амалий билимлар ташкил қилади. Шунингдек, машғулот ёки фаолият мазмунида бошланғич синф ўқувчилари томонидан ўзлаштирилиши кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми ҳам ўз аксини топиши лозим. Ушбу ҳолатларнинг машғулот ёки фаолият мазмунида акс этиши учинчи босқич самарасини белгилайди.

4) машғулот ёки фаолият мазмунининг тўлақонли очиб берилишида муҳим ўрин тутадиган шакл, метод ва воситаларни танланади. Ўқитиш фаолияти шакли, метод ҳамда воситаларининг унинг муваффақиятини таъминлашдаги аҳамиятини назарда тутган ҳолда танланиши мақсадга мувофиқдир. «бошланғич синф ўқувчиларини ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юртишга йўналтира олувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг танлай олиниши машғулотларнинг қизиқарли, баҳс-мунозарага бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу ҳолатдагина бошланғич синф ўқувчилари ташаббусни ўз қўлларига оладилар, таълим берувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат

қилиш, мураккаб вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслақат бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолашдан иборат вазифаларгина қолади» [].

5) муайян ўқув фани мазмунидан ўрин олган мавзу бўйича ёки фаолият юзасидан бошланғич синф ўқувчилари томонидан ўзлаштирилиши талаб этиладиган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши учун сарфланадиган вақт ҳажми белгиланади; белгиланган вақт ҳажми назарий билим ҳамда амалий фаолият кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун хизмат қилиши лозим; бошланғич синф ўқувчилари зўриқишларининг олдини олиш мақсадида вақтнинг оқилона белгиланиши муҳимдир;

6) ўзлаштирилган назарий билимларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, амалий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берадиган машқ, топшириқлар тизими ишлаб чиқилади; уларнинг самарадорлиги ушбу босқичнинг якуний натижасини белгилаб беради; машқ ва топшириқлар мавзу доирасида бўлиб, бир-бирини тўлдириши, ўзаро боғлиқ ва алоқадорлик хусусиятларини намоён эта олиши керак;

7) таълим берувчи томонидан ўқувчининг яхлит фаолиятлари, яъни назарий билимлари ва амалий кўникма ҳамда малакаларни ўзлаштириш ва кўллаш даражасини назорат қилиш мақсадида унинг шакл, метод ва воситаларини аниқланади; булар машғулот ёки фаолият мазмуни, йўналиши, шунингдек, бош ғояси моҳиятининг бошланғич синф ўқувчилари томонидан уларнинг қай даражада ўзлаштирилганлигини батафсил очиб беришга хизмат қилиши лозим;

8) ишлаб чиқилган лойиҳани фаолият жараёнига амалий жиҳатдан татбиқ этилади.

Ўқитиш жараёнини лойиҳалашга нисбатан технологик ёндашувнинг муҳим хусусияти унинг изчилликка эгаллигида намоён бўлади. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниқлаш, яхлит жараённи қисмларга ажратиш, бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида юзага келувчи муносабат мазмунини такомиллаштириш, ижодий

кайфиятни ҳарор топтириш, техник ва ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш каби муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Таълим муаммоларини ижобий ҳал этишга йўналтирилган педагогик технологиялар қуйидаги тамойилларга таянади:

1. Яхлитлик тамойили. Мазкур тамойил мазмунида қуйидаги икки жиҳат акс этади: таълим ва шахс камолотининг бирлиги; педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгаллиги.

2. Асослилик тамойили. Ушбу тамойил муайян ўқув фанлари ёки фаолият ўзининг негизини ифодаловчи тушунчалар, бош ғояси ҳамда маълум асосларига эга эканлигини ифодалайди.

3. Ижтимоий маданият тараққиёти билан уйғунлик тамойили. Айрим адабиётларда ушбу тамойил маданиятни англаш, маданий ҳаётнинг ривожланишига нисбатан мувофиқлик тамойили тарзида қайд этилган бўлсада, мазмун жиҳатидан ягона фикрни ифода этади. Мазкур тамойилнинг моҳияти таълим фаолияти ижтимоий жамият ривожини, маданий тараққиёти даражасини, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмуни ва ғоясидан келиб чиқиб белгиланишини ифодалашга хизмат қилади.

4. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини инсонпарварлаштириш тамойили. Ушбу тамойил бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг шахсга таълим бериш, уни ривожлантиришни ифодалайди. Бошқача айтганда, «...инсонпарварлаштириш - бу инсоннинг жамият билан боғлиқ барча муносабатлари жараёнида инсон омили унинг кадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланган фаолият жараёни бўлиб, инсонпарварлаштириш барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун» деган ғоя асосида ташкил этиладиган фаолият жараёни эканлигини англатади.

5. Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил ҳам ўзида қуйидаги икки жиҳатни ифодалайди: ҳар бир ўқитувчи ўз соҳасида бошланғич синф ўқувчиларини жалб этган ҳолда тадқиқот, ижодий изланиш олиб бориши лозим; ўқитувчи фаолият технологиясини ишлаб чиқади, уни

амалиётда синаб кўради, кузатади ва унинг мазмунига тузатишлар киритади, бевосита амалиётга татбиқ этади.

6. Ўқитиш фаолиятининг узлуксизлиги. Ушбу тамойил бошланғич синф меҳнат таълими дарслари бошланғич синф ўқувчиларига назарий билимларни бериш, уларда амалий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилишни узлуксиз равишда ташкил этиш лозимлигини аниқлатади.

7. Фаолиятли ёндашув тамойили. Мазкур тамойил назарий-амалий фаолиятнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди [].

Педагогик технология назарияси учун юқорида баён этилган тамойиллар билан бирга қуйидаги қонуниятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади:

- Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини оптималлаштириш қулай шарт-шароит яратиш, оз вақт ва кам куч сарфлаб, педагогик фаолиятни амалга оширишда қулай натижаларга эришиш;

- педагогик фаолиятга фан-техниканинг янги ютуқлари, шунингдек, дидактик қонуниятларни татбиқ қилиш, таълим мазмунини узлуксиз, изчил ва мақсадга мувофиқ равишда янгилаб бориш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг моҳияти, илгари сурилган мақсад ва вазифаларнинг ижобий ечимини таъминлашга хизмат қилувчи шакл, метод ва воситалардан самарали фойдаланиш, педагогик мулоқот жараёнининг илмий асосларини ўрганиш, тадқиқ этиш, доимий ижодий изланишда бўлиш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг субъектлари (ўқитувчи ва ўқувчи-ўқувчи) фаолияти, улар ўртасидаги муносабатни оқилона ташкил этиш, ўқитувчи томонидан педагогик фаолият жараёнининг умумий манзарасини кўра олиш, вазиятларнинг тўғри баҳоланишга эришиш;

- ўқувчи педагогик фаолият жараёнининг фаол, етакчи субъектига айланиши, ўз имконияти ва иқтидорини эркин рўёбга чиқара олиш лаёқатига эга бўла олиши;

- педагогик фаолиятни жадаллаштириш, шу мақсадда ахборот технологиялари хизматидан фойдаланиш;

- педагогик фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган моддий-техник базани вужудга келтириш;
- педагогик фаолият натижаларининг холис баҳоланиши;
- бошланғич синф ўқувчиларининг назарий билимлари ҳамда амалий кўникма ва малакалари, шунингдек, педагогик технологиялар самарадорлигини баҳолашни автоматлаштириш ва ҳоказолар.

Таълим технологиялари доирасида янги ўқув материалининг ўқувчи томонидан ўзлаштирилишига муҳим аҳамият қаратилади. Ўқув материални ўзлаштириш муайян фан асослари ёки мавзу юзасидан керакли маълумотларни олишдангина иборат бўлмай, балки шахс дунёҳараши, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун хизмат қилиши лозим. Таълим технологиясида ўқув материални ўзлаштириш бир неча босқичдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1-даража: бошланғич синф ўқувчиларига муайян топшириқ ёки масалани ечишдан кўзланган мақсад, ҳал этилиши лозим бўлган вазият ва ҳаракат йўналиши кўрсатилади. Ўқувчи тавсия этилган топшириқ ёки масалани объект, вазиятлар, уларни содир бўлиши ва бартараф этилиши, шунингдек, ҳаракатлар моҳияти ҳақидаги аввал ўзлаштирилган ахборотларни ёдга олиш асосида ҳал қиладилар. Ўқув материални ўзлаштиришнинг ушбу босқичи бошланғич даража ҳисобланади.

2-даража: ўқувчига муайян топшириқ, масала бўйича унинг мақсади ва вазият моҳияти ҳақида тушунчалар берилиб, ундан масалани ижобий ҳал этишда аввал эгалланган билимларни қўллаш талаб қилинади. Бу ўқув материални ўзлаштиришнинг алгоритмик босқичи ҳисобланади.

3-даража: ўқувчи эътиборига топшириқ ёки масалани ечишдан кўзланган мақсадгина ҳавола этилиб, уни ҳал этиш вазияти хусусида маълумот берилмай, топшириқни бажариш жараёнида вазиятни аниқлаш ҳамда аввал ўзлаштирилган билимларни қўллаш талаб этилади. Ўқувчининг фаолияти тайёр алгоритм ёки қоидага мувофиқ бажарилмайди, балки топшириқни бажариш юзасидан амалга оширилаётган ҳаракат жараёнида

Ўзлаштирилган қоидалар ёдга олинади ва улар асосида топшириқнинг ижобий ечими таъминланади. Бу босқичда ўқувчининг мустақил фаолият юритиши таъминланади. Шу боис, ушбу даража эвристик даража деб юритилади.

4-даража: ўқувчига масала, топшириқни бажаришга йўналтирилган фаолият мақсади умумий ҳолда тушунтирилади, мақсадни амалга ошириш учун энг мақбул вазиятни белгилаш ва ҳаракатни амалга ошириш талаб этилади. Бу босқич ижодий хусусият касб этиб, ўқувчи топшириқни бажариш жараёнида ҳаракатнинг янги қоидасини яратади, ижодий изланиш олиб боради. Ушбу босқич ижодий фаолиятни ташкил этиш босқичи ҳисобланади [].

Ўқув материални ўзлаштириш жараёнида юқорида қайд этилган босқичларнинг қуйидан юқори даражага тадрижий ўсиб бориши орқали унинг бошланғич синф ўқувчилари томонидан ўзлаштирилишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, бугунги куннинг талаби мустақил равишда билим олиш, ижодий қобилиятни ўстиришдан иборатдир.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, педагогик технологияларнинг марказида ўқитувчи ҳамда ўқувчи ўртасидаги мулоқотга асосланган фаолият туради. Анъанавий таълим технологиясидан фарқли равишда ушбу фаолият жараёнида ўқувчи етакчилик ролини бажаради. Ўқувчининг ўқув-билув жараёнидаги етакчилиги қуйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этиш имконини беради:

- 1) ўқувчида назарий билимлар ҳамда фаолиятни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёж ҳамда рағбатни ҳарор топтириш;
- 2) назарий билимлар ҳамда фаолиятни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашувни вужудга келтириш;
- 3) уларда мустақил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- 4) бошланғич синф ўқувчиларининг фаоллигини таъминлаш;
- 5) бошланғич синф ўқувчиларида мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимларнинг моҳиятини таҳлил этиш, англаш, улар хусусида

маълум хулосалар чиқариш, умумлаштириш ва уларни амалий фаолиятга татбиқ этиш борасидаги кўникмаларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш;

б) ўз фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш лаёқатини ҳарор топтириш.

Педагогик технологияларни таълим амалиётида қўллаш билан бирга уларнинг самарадорлигини ҳам баҳолашга алоҳида аҳамият бериш керак.

Педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари педагогик фаолиятни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва унинг натижаланганлик даражасини аниқлашга имкон беради. Шу мақсадда янги педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Педагогик технологияларни лойиҳалаш ва уларни қўллаш босқичида баҳолаш.

2. Педагогик технологиялар асосида ташкил этилган таълим натижаларини баҳолаш.

1. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълими тизими амалиётида янги педагогик технологиялардан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада бир қатор самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим муассасалари, жумладан, бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш имконини берди.

1.2. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий асослари

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммосининг назарий-амалий жиҳатларини батафсил ўрганиш, бу борадаги ҳаракат муваффақиятини таъминлаш омилларидан бири мазкур ўқув юртлари фаолиятини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш ва унга тўғри баҳо беришдан иборатдир. Зеро, мазкур ўқув юртларида ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёнига педагогик технологиялар татбиқ этилишининг мавжуд аҳволини ўрганиш, энг аввало, тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблигини асослаш, тадқиқот доирасида амалга оширилиши назарда тутилаётган тажриба-синов ишларининг мазмунини ишлаб чиқиш ҳамда йўналишини белгилаш имконини яратади. Шунга кўра тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида муаммонинг мазкур жиҳатини ўрганишга алоҳида аҳамият ҳаратдик.

Бизнинг бош мақсадимиз бўлган ўзбек моделини амалга оширишда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий, маърифий йўналишлардаги ислоҳатларни амалга оширишда демократик, фуқоролик, жамиятимизнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи эркин шахс тарбияси, унинг мустақил тафаккурини узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичларидан шакллантириб бориш фуқоролик жамиятининг асосий талабларидан биридир.

Айнан, ўқув фаолияти орқали ўқувчиларнинг таълим мазмунини эгаллаши даражаси асосида, яъни республикада қабул қилинган ДТС доирасида шахс дунёқараши, тафаккури шаклланади, ижтимоий тузумга онгли муносабати таркиб топади. Демак, таълим мазмунини чуқур ўзлаштиришни мустақил тафаккурини шакллантирувчи омил деб қараймиз. Ушбу нуқтаи назардан ўқув фаолиятини янги педагогик технология асосида ташкил этиш нафақат ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш бўлиб

қолмай, балки ижтимоий зарурат талабидан келиб чиққан ҳолда демократик, фуқоролик жамиятининг фаол иштирокчисини шакллантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Демак, таълим жараёни асосида бола шахсининг эркин тафаккурини шакллантириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ҳар бир педагогнинг диққат эътиборида бўлиши лозим [].

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам таълим тизимида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш, уларни ҳар томонлама ўзлаштириш зарурлиги кўп карра такрорланади. Умуман олганда бу иборанинг лексикологиямизга кириб келганига кўп фурсат бўлгани ҳам йўқ. Шу ўринда педагогик технологиянинг мазмуни нима?. Тушунчанинг педагогик ва умуман таълим жараёнига қандай алоқаси бор?-савол туғилиши табиий ҳол.

Бу саволга педагогика фанлари номзоди, доцент Ч.Э.Мирзаев қуйидагича жавоб беради: «Таълимга технологик ёндашув-таълим мазмунини ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали таълим-тарбия жараёнининг умумий (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) ва хусусий(муайян фанларнинг мазмунини ўзлаштириш билан боғлиқ) мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи мақсадлари учрашган нуқталарда (идентив ўқув мақсади) таълимнинг дидактик мақсадларини аниқлаш йўли билан таълимни комплекс лойиҳалаш, илмий асосланган лойиҳага кўра кўзланган натижага кафолатланган эришишдир» [].

Жойларда педагоглар билан ўтказилган мулоқатлар шундан далолат берадики, уларнинг аксарияти замонавий педагогик технологияларни бир томонлама англайдилар, кўпинча уни «янги методик жараён» деб ҳисоблайдилар.

Тўғри, таълим технологиясида ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлашга катта имкониятлар бор. Педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш масаласининг бир томони холос. Кенг маънода эса ўқув-тарбия жараёнининг яхлит тарзда,

мазмунли амалга ошириш техникаси, унинг пировард натижалари самарадорлигини белгиловчи омил, ўқитувчи, кадрларни маҳоратга, самарали меҳнат қилишга етакловчи йўлдир.

Педагогик жараёнда муайян мавзу, фан асосларидан ўқувчиларга кўникма даражасида тез ва қулай билим бериш ҳам таълим технологиясини муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунда ўқитувчи маҳорати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Р.Чориев фикрича, ўқитувчи маҳоратига тўрт йўл билан эришилади:

Биринчидан, ижодкорлик, изланиш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, қиёслаш, йўл қўйган услубий камчиликларни танқидий баҳолаб, уларни бартараф этиш, ўз иш фаолиятини янада такомиллаштириш устида тинимсиз ишлаш, пировард натижада ўз фаолиятининг мукамал, ўзига хос шакл ва услубини белгилаб олиш орқали:

Иккинчидан, илғор ҳамкасблари иш тажрибаларини кунт билан ўрганиш, ўз шароити ва имкониятидан келиб чиқиб, уларни амалиётга тадбиқ этиш ва такомиллаштириб бориш орқали:

Учинчидан, хорижий педагогик тажрибаларни ижодий ўрганиш орқали:

Тўртинчидан, республикамизда ва хорижий мамлакатларда чоп этилаётган педагогик технологиялар ва методик янгиликларни узлуксиз тарзда кузатиб бориш орқали [].

Ҳозирги замон таълимида бу тўрт омилни сидқидилдан бажармай туриб, ўқитувчи ўз фаолиятида арзигулик ютуқларга эришмоғи амри маҳол. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда вазирлик томонидан ўқитувчининг ҳам илмий, ҳам методик, ҳам таълим технологияси талабларини ўрганиб олишларига ёрдамлашиш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда халқ таълими вазирлигининг бевосита мутахассислигидаги илмий-услубий журнал, газеталар педагог, ходимларга янги педагогик технологиялар моҳиятини тушунтириш бўйича методик ёрдам бермоқда. Республика миқёсида кўплаб семинар-тренинглари ўтказилмоқда.

Мисол қилиб айтадиган бўлсак, 2004-йил Тошкент вилояти Бўстонлик туманида Очiq жамият институти Кўмак жамғармасининг Ўзбекистон ваколатхонаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим вазирлиги ҳамкорлигида «Реакс» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган «Қадам-бақадам» дастурининг навбатдаги семинар-тренингни келтириш мумкин. Ушбу тренингда 40 дан ортиқ педагоглар ва психологлар иштирок этишди. Семинарда қизиқарли тренинглар ёрдамида ўқитувчиларнинг янги педагогик технологиялар, интефаол усуллардан самарали фойдаланиш борасидаги билим ва тажрибаларини бойитишга ҳаракат қилинди. Бундай семинар-тренинглар республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Нега таълим замонавий педагогик технологияларга асосланиши лозим?. Нима учун анъанавий ўқитиш методикаси замон талабларига жавоб бермайди?. Замонавий таълимдаги ечилмаётган муаммолар фақат анъанавий методиканинг камчилигимми?. Бу каби табиий саволларга атрофлича жавоб бериш мақсадида замонавий методиканинг асосини ифодаловчи қуйидаги фикрларга эътибор берайлик.

Таълим мазмунидаги узлуксизликни таъминлаш таълимнинг мақсад, мазмун, метод, восита, шакл ва унинг жараёнлари каби таркибий қисмлари орасидаги узвийликка боғлиқ. Чунки, таълимда ҳар бир фанни ўрганиш мақсади (нима учун ўқитиш керак?) дан келиб чиқувчи ўқув дастури ва ДТС талабларига мос ўқув мазмуни танланади. Таълим мазмунини (нимани ўқитиш керак?) ўзлаштириш учун эса қулай бўлган методлар танланади. Танланган методлар (кимни ва қандай ўқитиш керак?) ёрдамида мазмун эгалланади. Сўнгра таълим учун тайёрланган воситалар (кўргазмали ва техник воситалар) ва таълим жараёни, унга етарли даражада мос унинг машғулот шакли танланади.

Фан ва техниканинг, жумладан, педагогика, психология, методика фанларининг ривожланиши таълим мазмуни ва унинг методларига янги талабларни қўяверади, яъни бу ривожланиш муаммоларни келтириб

чиқаради. Таълим мазмуни жамият талабига жавоб бермай тез-тез эскириб қоладиган ҳолатлар ҳам кўп учрайди.

Анъанавий методикада ўқувчи шахсининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда билимини кўникмага ундан эса малакагача ривожланишини таъминловчи механизм яратилмаган. Ўқитувчи ўқувчига асосан ахборот берувчи манба ҳисобланади, яъни билим олишда: ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш: ўрганилган ахборотларни амалда қўллаш билишнинг 3 та босқичдан иборат моделига риоя қилавермайди. Дарс жараёнида олинган билим кейинги поғанага яъни фаоллашув поғонасига кўтарилмайди. Анъанавий методикада яратилган жуда кўп тавсия ва назариялар амалда қўлланилмайди ёки қўллашга ноқулай. Шу боисдан таълимда юзакичиликка йўл қўйилади. Таълим жараёнида мақсад, мазмун, метод, восита ва шакл орасида зиддиятлар эса таълим самарадорлигига эришишда асосий тўсиқ бўлмоқда.

Хўш, таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга тўлақонли эришиш учун авваламбор, нималарни эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор?. Бу саволга жавобни излашда биз Мавлонованинг бу борадаги фикрларини келтиришни жоиз деб билдик: «Республикамизда таълим жараёнини самарали ташкил этиш масаласи бўйича изланишда ўқитишнинг янги усуллари аста-секин мустаҳкам ўрин олмақда. Бундай усулларга муаммоли вазиятни ташкил этиш, гуруҳлар билан ишлаш каби усулларни киритишимиз мумкин. Лекин ўқитишнинг янги усуллари асосан мактабнинг юқори синфларида самарали қўлланиб келинмоқда. Хўш, бошланғич таълимда нималар бўлаётир ?.

Бошланғич мактаб ҳар қандай ҳолда ҳам ўқувчиларда билимларни шакллантиришда ва уларнинг қобилиятларини аниқлашда асосий роль ўйнайди ва ундан кейин ҳам шундай бўлиши керак. Аммо бошланғич мактабдаги барча ўқитувчилар болаларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш учун тегишли ишларни амалга ошираётирми?. Масалан,

нима учун юқори синфларда аъло баҳога ўзлаштирадиган болалар сони камайиб бормоқда?.

Мактабни битта ёки иккита ўқувчи олтин медаль билан битиришини қандай тушуниш керак?. Истеъдодли, қобилиятли болалар йўқми ёки ўқитиш жараёни шунчалик самарасиз бўлиб қолганми?. Буларнинг сабаби нима?. Сабаби кўп. Биринчидан, бошланғич синф ўқитувчиси болалар билан индивидуал иш олиб бориш имконияти чекланган. Синфларда бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш зарур. Иккинчидан, мазкур ўқитувчиларнинг методик савияси етарли эмас. Синфдаги умумий ишлар жараёнида қобилиятли болаларнинг ижодий имкониятлари чекланиб қолмоқда.

Улар ўз қобилиятларини кўрсата олмаётир. Ўқитувчи кучи ва эътибори бутун синфга қаратилиб, қобилиятли болалар кўзга ташланмаётир. Умумий айтганда, хусусан болаларни саралаш ва ўқитишга бошқача ёндашиш билан уларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш керак»[].

Анаъанавий дарс ўтиш жараёнида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлар фойдаланилади. Шу сабабли бу ҳолларда анаъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнини пассив иштирокчисига айланиб қоладилар. Болаларда бетиним жиддий дарс беравериш, устма-уст назарий билимлар, қоидалар билан қуроллантиравериш уларни ўқишдан бездириб қўяди. Кичик мактаб ёшидаги болаларида бундай ҳол кўп учрайди.[]

Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?. Анаъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда дарс жараёни оқилона ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил ривожлантириб турилиши, ўқув мавзуни кичик-кичик бўлақларга бўлиб уларнинг мазмунини очишда баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисоллар келтириш, ўқувчиларни амалий машғулотларни мустақил бажаришга ундаш,

хар хил баҳолаш усуллари ва таълим воситаларидан жойида ва ўз вақтида фойдаланиш талаб этилади.[]

Педагогик технологиянинг кенг миқёсда таълим жараёнига тадбиқ этилаётганлигининг боиси шундаки, унда ўқув мақсадларига гаровли эришилади.[]

Технологик ёндашувнинг энг аввало юзакичиликка эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи самарали ёндашув эканлигини англаган ўқитувчилар уни ўз фаолиятларига тадбиқ этмоқдалар.

Жумладан, II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори, олий тоифали ўқитувчи Х.Раҳматуллаева илғор педагогик технологияларнинг афзаллиги ҳақида шундай дейди: «Ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этаётганлигим боис ўқувчиларнинг дарс ўзлаштириши сифати ошиб бормоқда. Болаларда эркин фикрлаш, ўз фикрини мустақил баён этиб бериш, кўпроқ билишга интилиш ортмоқда, улар хотирасида ўтилган мавзулар кўпроқ сақланиб қолишга эришмоқдаман».[]

Анъанавий ўқув жараёнида асосий омил-педагог (ва унинг фаолияти) ҳисобланса, педагогик технологияда биринчи ўринда ўқиш жараёнидаги ўқувчилар фаолияти қўйилади. Бу эса ўқувчининг нафақат таълим жараёни объекти, балки уни таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида намоён бўлишига имкон беради.

Президентимиз И.А Каримов миллий мафкура масалаларига тўхталар экан, «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат» зарурлигини уқтиради ва ўқитиш эркин фикрли кишиларни тарбиялашга қаратилган бўлиши, бу ислоҳатларни амалга оширишда замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтади. [1]

Ўсиб келаётган ёш авлодда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, соғлом ва баркамол наслни тарбиялаб этиштириш мураббийларнинг муҳим бурчидир. Чунки мустақил фикрловчи

ўқувчиларгина келажакда ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб етишиб, мустақил республикамизни илғор жаҳон давлатлари қаторига олиб чиқадилар.

Шу ўринда З.Нишонованинг «Мустақил фикрлашга ўргатиш» номли мақоласидаги қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш ўринлидир: «Ҳозирги давр ўқитиш тизими ҳам кўпроқ хотирани ривожлантиришга қаратилган. Бирок айрим ўқитувчиларда бугун бир мавзунини тушунтириб, тайёр ҳолда ўқувчиларга етказиб бериб, эртасига шу мавзунинг мазмунини сўраши ёки шеърни ёд олишга бериш ҳоллари кўпроқ учрайди. Бундай дарсда ҳеч қандай муаммоли вазият яратилмайди ва бунинг натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига имкон берилмайди. Ўқитувчиларнинг ўзлари ўқувчиларнинг мустақил фикр юрита олмаслигини билишади. Лекин қандай қилиб ўқувчида мустақил фикр юритиш қобилиятини шакллантириш мумкин? - деб берилган саволга жавоб беришга қийналадилар».[]

Ж.Толипованинг фикрича: «Фикр-бу инсоннинг фаолияти, иқтидор, қудрати ва билимини намоён этадиган маънавий, ахлоқий, инсоний сифатидир. Фикр ривожини жамият ижтимоий, иқтисодий тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлганлиги учун, ўқувчиларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини тўғри топиши, ижодий ва ижтимоий фаол бўлишини назарда тутган ҳолда ўқитиш жараёнида уларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш зарур»дир.[]

Айни кунда республикамиз таълим фидоийлари дарс беришнинг ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи усул ва услубларини жорий қилишмоқда. «Ақлий ҳужум», «Музёра», «Интервью», «Дебат», «Баҳс-мунозара», «Гуруҳларга бўлиб ишлаш», «Интерфаол», «Кластер», «Чигил ёзди», «Конференция», «Семинар» каби кўплаб дарс бериш усуллари бугунги кунда ўқитувчиларимиз томонидан самарали қўлланиб келинмоқда.

Аммо шундай муаммолар борки, айрим ўқитувчилар томонидан бу усуллар нотўғри ва самарасиз фойдаланилаяпти. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ўз касбини, қолаверса, ўз мутахассислигини

билмайдиган ўқитувчиларга бу усуллар жуда маъқул бўлмоқда. «Янги педагогик технологиянинг талаби шу», «ўқувчиларни мустақил ўқишга ва фикрлашга ўргатаймиз» деган баҳоналарда дарсга тайёргарликсиз келадиган ўқитувчилар ҳам анчагина.

Биз ўқитувчи болаларга замонавий билим бериши керак!- деб кўп таъкидлаймиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши даркор. Ушбу фикр Президентимиз томонидан ҳам бир неча бор таъкидланган.[]

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришда асосий муаммо ҳам шунда. Ўқитувчи қайси мавзунини қайси дарс ўтиш усули ва услубларидан фойдаланган ҳолда ўргатишни олдиндан режалаштирмоғи лозим. Ҳар бир дарсни қайси усул ва услублардан фойдаланган ҳолда олиб борса, самарали бўлишини аниқ билиши керак. Ахир ҳар қандай дарсни ҳам мустақил ўқиш ва айтиб бериш орқали ўрганиб бўлмайдик. Шу жойда яна бир оғир саволга дуч келамиз: Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайдилар?. Умуман, мактабда мустақил фикрлашга ўргатилдими?.[]

Синов-тажриба ишлари шуни кўрсатадики, ўқувчилар фикрини аниқ қилиб ўқувчига етказиб бера олмайди, билади-ю шуни ўқитувчига айтишдан кўрқади. Биз мана шу масалага жиддийроқ ёндашмоғимиз даркор.

Бугунги кун педагог - ўқитувчилари бу муаммонинг асл моҳиятини тушуниб етмоқдами?. Биз бир гуруҳ ўқитувчиларга бу масала юзасидан анкета саволлари билан мурожаат қилганимизда (1-илова) жавоблар натижаси шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқитувчиларининг 7% бу борада ижодий изланаётган эканлар, 43% ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини уюштиришда илғор тажрибалардан фойдаланади-ю, лекин яхши натижаларга эриша олмайди, бу унинг асл моҳиятини тушуниб етмаганлигидан далолат. 35% ўқитувчи эса педагогик касбга тайёргарлик кўрган ва малака ошириш давридаги билимлари асосида таълим-тарбия

жараёнини ташкил қилади, 15% ўқитувчи фақат дарсликка таяниб иш кўради. Кўриниб турибдики, бу муаммо ҳам ханузгача ўз ечимини топгани йўқ. []

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг 2-босқичида ўқув-тарбия жараёни юқори ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади, деб қатъий белгиланди, аммо мактаблардаги аҳволни ўрганиб чиқар эканмиз, бунинг аксини кўришимиз табиий. Воҳаланки, ўқитувчиларнинг ўзи ҳали педагогик технологиянинг мазмун-моҳияти, ўқитишнинг замонавий усуллари тўғрисида деярли тассаввурга эга эмаслар. Шунини айтиб ўтиш жоизки, қишлоқ мактабларида таълим–тарбия жараёни ҳамон анъанавий усулда олиб борилмоқда. Натижада кўпчилик ўқувчилар юқори синфларда дарс ўзлаштиришлари қийинлашмоқда. Шунини инобатга олиб, аввал мактаб раҳбарининг ўзлари илғор педагогик технологиялардан хабардор бўлишлари шартлигини айтиб ўтмоқчиман.

Ўқитувчилар дарсларини таҳлил қилганда янги дарс усуллари, унинг афзалликларининг атрофлича маъно-мазмунини очиб беришлари лозим. Ҳар бир мактабда илғор педагогик тажрибалар хонаси ёки алоҳида махсус шкафлар, столлар ташкил этилиши керак. Токи ҳар бир ўқитувчи шу жойдан ўзига керакли маълумотларни ола билсин. Бундан ташқари, ўқитувчига ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериш даркор.

Тадқиқотлар кўрсатишича, фақатгина фикрлаш, мушоҳада қилиш йўли билан эгалланган билимгина хотирада сақланиб қолинар экан. Шу боисдан ўқитувчи фаоллигига асосланган анъанавий дарс ўтиш услубидан воз кечилиб, замон талабларига жавоб берувчи ўқитишнинг замонавий усуларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими С.Турғунов бошланғич таълим муаммоларини таҳлил қилиб бу борада ўз фикрини баён қилади: «Мамлакатимиз мустақил бўлгунча ўқитувчининг иши ҳам, ижодкорлиги ҳам чегараланган эди. Ўқитувчи дарс ўтиш методикасида берилган дарс этапларига қатъий риоя қилган ҳолда конспект тузиб, шу режага асосланган ҳолда дарс ўтмоғи лозим эди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалардаги каби маорифда ҳам ислоҳатлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида болалар боғчасидан бошлаб олий мактабгача эътибор кучайтирилиб, дастур ва дарсликлар янгиланмоқда, янги-янги дарс ўтиш усуллари вужудга келмоқда. Ўқитувчи ижодкорлиги оширилди, бу эса таълим-тарбия борасида анчагина силжишни вужудга келтирди. Ноанъанавий дарслар: эртак, саёҳат, мусобақа, бозор, спорт, ўйин турларидан фойдаланиб яратилган дарслар дуруст самара бермоқда. Бу ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини оширмоқда, ўқитувчининг ижодкорлигини чархлаб бормоқда».[]

Хўш, замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак?. Бола 1-4 синфларда қандай билимларга эга бўлиши лозим?. Болаларда қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усул ва услубда таълим бериш керак?. Бу масалаларга жавоб топишимиз зарур.

Бошланғич таълим концепциясида бошланғич таълимнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Чунончи: болаларнинг онги ва тафаккурида мавжуд бўлган яширин имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш кичик мактаб ёшидаги болаларда таълимнинг дастлабки давридан бошлаб янги имкониятларни ўқув материални муваффақиятли ўзлаштиришгагина эмас, балки ҳаётини муаммоларни ечишга ҳам тайёрлайди, ўқувчиларда ўрганиш ва таълим жараёнига бўлган қизиқишини оширади.[]

Мазкур мақсад ва вазифаларни чуқур таҳлил қилиб, қуйидагича талқин қилиш мумкин. Демак, ҳар бир болада яширин ҳолда юрагининг тубида бирор нарсага қизиқиш, интилиш яъни бошқача қилиб айтганда, иқтидор куртаклари бўлади, уларни аниқлаш ҳамда ривожлантириш керак. Бу жараён эса жуда мураккабдир. Ана шу мураккаблиги билан бошланғич таълим бошқа таълим босқичларидан ажралиб туради. Чунки бошланғич таълимда фанларнинг асоси – алифбо ўргатилади. Бошланғич таълимда ўргатиладиган фанлар алифбоси ДТСда белгилаб берилган, шу асосида дарсларда ҳар бир ўқувчи ўзлаштириши зарур бўлган билимлар доираси ўргатилади. Агар

Ўқувчи 4 йил мобайнида шу фанлар алифбосини ўзлаштира олмаса, у таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттира олмайди. Демак, биз ўқувчиларнинг турли ўқув фаолиятларини, усулларини ўзлаштиришларига имконият ва шарт-шароит яратиб беришимиз лозим.

Умуман, 1-4-синфларда жорий этиладиган янги педагогик технологиялар аввало фанлар орасидаги боғлиқликни таъминлаш, болаларни ортиқча қийинчиликлардан озод этиш, бунинг учун фанларни интеграциялаш, ўқувчи фаолиятини тўғри изга солиш, вақтдан унумли фойдаланиш, синфда ва синфдан ташқари вақтларда болалар орасида ташаббускорлик муҳитини юзага келтириш, эркин фикрлаш, ижодий изланиш тизимини яратиш каби қатор ишларни амалга оширишдан иборатдир.[]

1.3. Ўқув жараёнига педагогик технологияларни фаол тадбиқ этиш имкониятлари

Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимининг ўқув машғулоти ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқот асосида ташкил этилади. Бунда ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларга мулоқот асосида таъсир этиш йўллари ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган метод ёки мулоқот таъсирлари қуйидагилардан иборат: ишонтириш, исботли натижаларга асосланиш, бевосита ҳамда билвосита таъсир, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.

Педагогик технологияни ўқув машғулоти фаол тадбиқ этиш ҳисобига таълим жараёнининг рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ бирор буюмни тайёрлашда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари талаб

этилади. Бу муаммонинг ечими бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланиши билан боғлиқдир.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган меҳнат таълими дарслари шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун ўқув машғулотларининг анъанавий шакллари (уйғунлаштирилган дарслар) билан биргаликда конференция дарси, ишчан ўйин дарслари, интергаллаштирилган (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари ўқув мақсадлари билан мутаносиб (адекват) бўлиши керак. Педагогик технологияни ўқув машғулотларига фаол тадбиқ этишда топшириқлар мазмуни билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тўзиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш ва умумлаштириш каби масалаларни ечишга қаратилган бўлиши лозим. Ўқув машғулотларининг дидактик жиҳатдан такомиллашуви фақатгина, ушбу жараёни ташкил этиш ва бошқариш йўллари тўғри танлаш билан таъминланади. Бунда фаолият бошқарилиши ҳамда ўқувчилар жамоаси бошқарилиши кўзда тутилади.

Ўқув машғулотларида муайян педагогик технологияни танлаш ўқув вазиятининг ўзгаришига имкон беради ва бу фаолият мақсадига қараб амалга оширилади.

Педагогик технологияни ўқитиш жараёнига фаол тадбиқ этишда ўқувчи таълим тизимига мослаштирилмай, аксинча, таълим тизими турли шахсга хос барча хусусиятлари (эркинликка интилувчанлик, мустақиллик, шахсий фикрларнинг мутлоқ ўзига хос тизимга эга бўлиши, ўз-ўзини тасдиқлаш эҳтиёжининг мавжудлиги ва бошқа ҳолатлар)ни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчи индивидуаллигини ривожлантириш имконини бериши ҳамда ўз-ўзини

ривожлантириш ва ўзлигини намоён этиш учун шароит яратиш лозим. Шунингдек, бу жараёнда ўқувчи шахсига фаолиятли ёндашиш орқали шахсни «субъект» сифатида эркинликка интилиши, ўз-ўзини ривожлантириши, мустақил уқиши, ўзлигини намоён этиши ва фаоллаштириши таъминланади.

Ўқув жараёни таркибий қисмлари – мақсад, мазмун, метод, шакл, усул ва воситалар ўқувчи учун шахсан аҳамиятга эга бўлган шахсий тажрибаси махсули сифатида тадбиқ этилади. Масалан, агар ўқувчи ўқув фаолияти моҳиятини англай олмаса, ўқув мақсадини тан олмайди, ўқитувчи қўйган вазифаларни тушунмайди ва қабул қилмайди, у томонидан содир этиладиган барча ҳатти-ҳаракатлар мажбурият ва тазийқ остида содир бўлади. Натижада унинг билимлари расмий характерга, ўқитувчининг фаолияти эса расмиятчилик мазмунига эга бўлади. Билим эса уларни амалиётга тадбиқ этишга қаратилган фаолият натижасидагина шаклланади. Бу дарслик мазмунидан баъзи илмий маълумотларни шунчаки кўр-кўрона ёдлаб олиш бўлмай, балки ўқувчининг шахсий, субъектив тажрибасига асосланган ҳақиқий билимлар бўлади. Ўқувчи муайян билимларга нисбатан бефарқ бўлмай, билимлар унинг учун шахсий мазмунга эга бўлсагина пухта ўзлаштирилади. Ўқитувчи бунга ўқувчида ўқув предметиға нисбатан қадриятли, ижобий субъектив муносабатни таркиб топтириш натижасида эришади.

Ўқувчининг руҳий хусусиятларини ўрганиш ўзлаштириладиган билимларнинг ўқувчиға шахсан қизиқарли ва керакли бўлиши зарурлиги, акс ҳолда улар шубҳасиз рад этилишини кўрсатади. Бу ҳолат образли ифодаланса, индивидуал тафаккурда билимлар субъективлашади, ўзига хос индивидуал жиҳатларға эга бўлади. Тескари жараёнда индивидуал тасаввур ва шахсий фикрлар объектив аҳамият касб этар экан, билимлар турли нуқтаи назарларнинг тўқнашуви, баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият натижасида ўзлаштирилади, бу эса ўқув машғулотини ноанъанавий усулда ташкил этишнинг муҳим шаклларини талаб этади.

Ўқитувчи ўз дарсида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллардан фойдаланиб шундай шарт-шароитларни таркиб топтириши лозимки, натижада ўқувчи дастлаб нейтрал бўлган объект қутилмаганда субъектив хусусият касб этсин. Бунинг учун ўқув материали мазмуни аввал ўқитувчи томонидан ижодий қайта ишланиб, ўқувчини қизиқтирадиган, унинг шахсий тажрибасига мос келадиган, уни фикрлашга ундайдиган жиҳатлар билан бойитилиши лозим. Агар ўқув материали мазмунидаги бир қарашда зерикарли бўлган матемик, илмий маълумотлар ўқувчи шахси ва фаолиятига бевосита тааллуқли бўлса ҳамда унинг шахсий-хаётий тажрибаларига мувофиқ келса, у ҳолда бу аҳамиятли хусусият касб этади. Ушбу ўқув фаолиятида ўқув вазиятлари шахс учун аҳамиятли ҳолатга, шунингдек, ўқув материалларидаги маълумотлар ўқувчи учун муҳим ҳодисага айланади. Натижада ўқувчи эса ўзини ушбу ҳодисанинг ижодқори деб ҳисоблай бошлайди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда қайд этилган фикр-мулоҳазаларга таяниб қуйидаги хулосага келдик.

1. Педагогик технология назарияси таълимнинг глобаллашуви шароитида бошланғич синф ўқувчилари томонидан қисқа вақт оралиғида пухта билимларни ўзлаштириш имкониятини беради. Мазкур назария ғояларини узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларининг ўқув жараёнига татбиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

2. Таълим муассасаларининг ўқув фаолиятига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида дастлабки тажрибалар тўпланган бўлса-да, улар давр талабларига етарли даражада жавоб бермайди.

3. Гарчи педагогик технология назариясининг шаклланганлигига тарихан Узоқ вақт бўлмаган бўлса-да, айтиш мумкин педагогика назарияси

ушбу таълимот моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи салмоқли манбаларга эга.

4. Педагогик технология ва унинг моҳияти борасидаги манбаларнинг аксарияти ушбу таълимот юзасидан назарий билимларни ўзлаштиришга имкон беради.

5. Педагогик технология борасидаги мавжуд манбаларда муайян таълим муассаси ўқув фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг илмий асослари хусусида сўз юритилмаган.

6. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида машғулотларни педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асослари ишлаб чиқилиши мазкур ўқув юртлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди.

II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг татбиқ этилиш йўллари

Ҳозирги пайтда ўқитишни янги замонавий педагогик технологиялар асосида яратиш ва жорий этилишини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шахсга йўналтирилган ўқитишга ва ривожлантирувчи ғояларга йўналтирилган ўқитишнинг янги авлодини яратиш, ўқитиш жараёнида бошқача ёндашувни талаб қилади. Ўқитувчи ўқувчига ва фанга нисбатан ўзининг муносабатини ўзгартиришга тўғри келади. Дарсликларнинг ривожлантирувчи функциясини бажаришлари учун ўқитувчида яхши методик тайёргарлик бўлиши лозим. Биз умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида меҳнат таълими дарсларини ўқитиш технологиясини яратиш муаммоларини ўрганишда хорижий давлатларнинг тажрибаларини ҳам ўргандик; мазмуннинг муаммоли қўйилиш методларини дидактик асосланиши, таркибий компонентларнинг ўзаро боғланиши, ўқитиш жараёнида тарбияловчи, ривожлантирувчи ва бошқа функциялари, уларга қўйиладиган умумий талаблар, ўқув жараёнидаги тутган ўрни ва роли билан танишилди.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида меҳнат таълими дарсларини ўқитиш бўйича ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, бутунги кунда ўқитишда психологик-педагогик жиҳатдан ёндашув етарли даражада асосланмаганлиги, ўқув материални танлаш мезонларининг йўқлиги ёки тўлақонли ишланмаганлиги, унинг ўқувчиларни психологик ривожланишига эмоционал ва мантиқий таъсирини жорий этиш йўллариининг жуда заиф ишлаб чиқилганлиги муаммо сифатида қаралмоқда.

Бизнинг фикримизча, таълим жараёнида энциклопедик билимлар бериш ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Инсонлар фаолияти принципаал тарзда ўзгарди, улар технологияларни бошқаришларига, умумий мақсадларига эришиши учун тайёр бўлишларига тўғри келаяпти. Замонавий киши ўз кучини янги билимлар, кўникмалар ва малакалар олишга эмас, балки тез эскирадиган ва нофункционал билимлардан халос бўлишга йўналтиришга мажбур бўлаяпти. Аммо, ушбу фикр қанчалик парадоксал бўлмасин, реал таълим шароитида ўқув мақсадларига йўналтирилган ва лойиҳалаштирилган ўқув жараёнини ташкил этиш керакки, унда ўқитувчи ва ўқувчилар давр ўзгаришини тушуниб етишлари ва бунга тайёр бўлишлари керак.

Таълимни технологиялаштиришнинг асосини, таълим жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва таълим олувчиларни, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳлаштирилаётган ўқув натижаларига эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқаришга йўналтирилган ғояси ташкил этади. Бундай ёндошишнинг моҳияти, таълим жараёнини тизимлаштиришдан уни, аниқ расмийлаштирилган ва қисмлари бўйича аниқ элементларга ажратиш ёрдамида максимал шакллантиришдан иборат. Педагогик технология, бизнингча ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли категория ҳисобланади. Технологиялар барча, синоним сифатида - таълим технологияси, ўқитиш технологияси каби тушунчалар сифатида ҳам ишлатилади. Ўқитиш технологияси - биринчидан, педагогик технология сифатида жараёнли - ҳаракат аспектини англатади. Бу, таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, белгиланган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларга кафолатли эришишга ва ҳақиқий таълим-тарбия жараёнини амалга оширишни таъминловчи усул ва воситаларнинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирадиган таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технология жараёни бўлса, иккинчидан, у мақсадни амалга оширишда ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича

педагогик ҳамда ўқув фаолият лойиҳасини бажариш баёни ҳисобланади. Ана шу тушунчалардан ва меҳнат таълими характеридан келиб чиқиб, қуйидагача фикрларни билдириш мумкин.

Меҳнат таълими жараёнида педагогик технологияларни қўллаш - бутун ўқитиш ва жараёнини яратиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизими бўлиб, у ўқув мақсадига эришишга йўналтирилган ҳолда ўқувчиларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот рақобатлар натижасига, ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади. Ҳозирги вақтда, педагогик технологияга оддийгина «ўқитишнинг техник воситаларидан ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги жараёнлар сифатида қаралмайди, балки ўқитиш самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш ва қўллаш йўли билан, ҳамда қўлланилаётган усулларни баҳолаш воситасида таълим жараёнини такомиллаштириш тамойилларини аниқлаш воситаси кўринишида ўрганилади.

«Педагогик технология» нинг ишлаб чиқариш технологиясидан фарқи шундаки, дастлабки ва сўнгги натижаларга эришишда шахс (инсон) туради. Масалан, ҳозирги ўқитиш технологиясида ўқитувчи назорат даврида баъзи ўқувчилардаги ўқув материални ўзлаштириш давомидаги юзага келган қийинчиликларни аниқлайди ва улар билан қўшимча машғулотлар олиб боради. Хориждагидан фарқли ўларок, ўзимизнинг педагогик назария ва амалиётимизда хусусан, шахсни шакллантириш, сифатлари ва хусусиятларини ривожлантирувчи технологиялардан фойдаланувчи тарбиявий жараён, ўргатувчи ҳамда дидактик технологияларни амалга оширувчи таълим жараёни билан фарқланади. Баъзи илмий тадқиқотларда педагогик технологияларни хусусий методикаларидан фарқли жиҳатлари ҳам ўрганилган.

Ўқитиш назариясида технология предметли методикадан ўларок, қуйидагича лойиҳалаштирилади:

- мавжуд шароитлардан келиб чиққан ва белгиланган натижаларга йўналтирилган ҳолда, режалаштирилган аниқ педагогик фаолияти орқали;

-ўқитувчилар томонидан дарсни услубий жиҳатдан ишлаб чиқишдан фарқли равишда ўқувчиларга ва уларнинг шахсий фаолияти ҳисобига ўқитишда ютуқларга эришишларини таъминлашга йўналтирилиши орқали;

- технологияда ортиқча ҳеч нарса бўлмаслиги шарт: қайта ўзгартириш йўллари, усуллари ва воситаларини алмаштириш - бу, технологиянинг йўқлиги белгисидир.

Юқоридагиларга таяниб, биз анъанавий ўқитишни анъанавий технологияларга асосланган меҳнат таълимини ўқитишдан фарқ қилувчи белгиларини очиб берувчи маълумотларни келтирдик.

2.1-жадвал

Анъанавий ўқитишнинг замонавий технологияларга асосланган ўқитишдан ўзига хос фарқлари

<i>Анъанавий ўқитишга асосланган ёндашув</i>	<i>Замонавий технологияларга асосланган ёндашув</i>
Мажбурловчи, ўқувчига ёндашиш бўйича насиҳатгўйлик аксарият усул бўйича репродуктивли ўқитишни каттиққўллик билан ташкил қилувчи авторитар, ўқувчиларнинг мустақиллигини ва ташаббускорлигини бостирувчи педагогикага асосланади. Ўқитиш, қандайдир ўртача ҳолга келтирилган ўқувчига, уни билимларни ўзлаштиришга ва қайта тиклашига йўналтирилган. Ўқиш-эслаб қолиш функцияси, ўқитиш эса-етакчи фаолият таълим парадигмаси: ўқитувчи-дарслик-ўқувчи	Шахсга йўналтирилган таълимга асосланган. Таълим олувчи шахси-таълим жараёнининг марказий фигураси муносабатларни инсонпарварлиги ва демократлашуви, ўқишга мажбурлашдан воз кечиш. Ўқитишга табақалашган ёндашув: таълим олувчини интеллектуал ривожланиш даражасини, предметни, мавзуни ўзлаштиришини, қобилият ва сифатларини ҳисобга олиш, ўқиш фаолияти-билимларни мустақил эгаллаш ва ўқувчи томонидан ўзлаштирилган билимларни қўллаш. Таълимнинг янги парадигмаси:

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, янги педагогик технологияларга асосланган замонавий таълим, анъанавий таълимдан усуллари ва воситалари, уни ташкил қилиш шакллари ва натижалари (ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини ўзлаштириш даражалари) билан сезиларли даражада фарқ қилади. Замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ўқув жараёнини мукамаллаштиришга кўмаклашиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Анъанавий ўқитишда одатда, дарснинг мақсади бўлиб ахборотни пассив ўзатиш ҳисобланади, топшириқлар асосан алгоритмик даражада бажарилади.

Анъанавий ўқитиш тизимида таълим олувчининг педагогик таъсирлар остида билим олиши ётади, бунда ўқувчининг фаолияти фаол ижодий характери эга бўлмайди. Бу эса, ҳозирги таълим талабларига мос келмайди.

Ҳозирги пайтда тизимли фаолият ёндашуви асосида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш фаолиятини ривожлантириш ва фаоллаштириш ҳамда тушуниш методлари ёрдамида ўқитиш технологиялар бир қатор илмий тадқиқот ишларида ишлаб чиқилган. Бу ўқувчиларга маълумотлар билан интенсив ишлаш методларини, кўп ҳажмдаги маълумотларни тартиблантириш, сақлаш, тақдим этиш ва ўзлаштиришни ўргатади. Ушбу методлар ўқитиш технологияси ва турли ўқув қўлланмаларни яратишда асос қилиб олиниши мумкин. Бундай методнинг янгилиги шахсий қобилиятларни ривожлантирувчи тарбия, ўқитиш психологиясини, ҳамда педагогиканинг янги гуманистик концепциясини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқилишини талаб этади [53].

Шунинг учун ўқитиш технологиясидаги педагогик тизимнинг моделини қуйидаги тузилма орқали ифодалаш мумкин;

-дастлаб педагогик тизимнинг мақсадлари аниқланади ва батафсил баён этилади, бунда қўйиладиган мақсадлар барча параметрларининг аниқлиги, ўлчанувчанлиги ва қайта ишланувчанлиги каби диагностик талаблар қўйилади; дидактик тамойилларни ҳисобга олиб, ўқитиш мазмуни яъни; кетма-кетлиги, яқинлашувчанлиги, илмийлиги, устуворлиги ва кўргазмалилиги ёритилади;

-ўқитиш мазмунида ўқувчилар фаолиятларида ўзлаштириладиган асосий қонунлар, хоссалар, қоидалар тамойиллар, алгоритмлар, усуллар, хусусиятлар каби зарурий билимлар акс эттирилади, шунингдек, ўқитиш мазмунини танлаш ўқув мақсадига мос равишда амалга оширилади.

Меҳнат таълими Фани мазмунини дидактик ишлов бериш орқали ўқувчиларга тушунарли бўлишини таъминлаш учун қуйидагилар тавсия қилинади;

-ўрганилган материалнинг ўқувчилар ҳаёти, уларнинг амалий ишлари билан етарли даражада боғланиш бўлишини таъминлаш;

-муаммоли топшириқ ва саволларни киритиш, уларнинг ишонарлилигини, қизиқарлилигини, ҳамда эҳтиросий ифодадорлигини кучайтириш орқали ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини фаоллаштириш;

-ўқувчиларнинг қобилиятларини ва имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқув мақсадларига эришишни таъминловчи тошпириқлар тизимини ишлаб чиқиш.

Агар юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатлар таъминланса, у ҳолда ўқитиш технологиясини ифодаловчи модел ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, меҳнат таълими фанини ўқитиш технологияларига боғлиқ ҳолда қуйидаги талабларга жавоб бериши кераклиги аниқланди:

-ўқитиш мақсадларига эришишда барча функцияларни бажариши;

-таълим стандарти талабларига жавоб бериши, ўқувчилар етарли билим, кўникма ва малакаларини эгаллашлари учун саволлар ва топшириқлар тизимига эга бўлиши;

-касбга қизиқтирувчи ва ривожлантирувчи компонентни қамраб олиши;

-унинг мазмуний тўзилмаси ўқитувчининг ўқувчилар фаолиятларини бошқаришга йўналтирилган бўлиши;

-у босма кўринишда ёки электрон шаклда бўлишидан қатъий назар, уларни ўқитиш жараёни исталган шароитларида самарали бўлиши керак.

Ушбу талабларни бажарилиши меҳнат таълими фанини ўқитиш технологиясини сифатини ошириш учун аҳамиятли ҳисобланади. Юқоридагилар бўйича хулоса қиладиган бўлсак, ўқитиш жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш ва шу технологиялар асосида умумкасбий фанлар учун ўқитиш технологиясининг янги авлодини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Демак, ўқитиш технологиясининг янги авлоди замонавий ўқитиш технологияларига асосланган, ривожлантирувчи ғояларга йўналтирилган бўлиши ва унда миллий хусусиятлар эътиборга олиниши керак.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига самарали татбиқ этилиши халқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш объектлари, илмий ҳамда ўқув муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш имконини беради. Мазкур масаланинг долзарблиги хусусида тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этиб ўтади: «Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиши учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модел вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини

кўпайтиришга асосланади. Бу - мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади».

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида машғулотларни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш - уларда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этишда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларига билим бериш ва уларни тарбиялашда самарадорликка эришишга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, бунда бир катор педагогик вазифалар ҳал этилиши лозим. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида машғулотларни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида муайян шарт-шароитларни яратиш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарслари педагог ходимлари ўртасида педагогик технологиялар моҳиятини очиқ беришга қаратилган махсус ўқув семинарларини ташкил этиш;

- улар томонидан педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирилишига эришиш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарслари педагогларида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндошув ҳиссини тарбиялаш;


- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг ўқитувчиларида бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари томонидан таълим-тарбиявий ишларни педагогик технологиялар асосда ташкил этилишига эришиш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг технологик асосда педагогик фаолиятни ташкил этиш борасидаги маҳоратларини ошириш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг самарадорлигини таъминлаш.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида машғулотларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган андоза 2.1.1-шаклда акс эттирилган.



2.1.1-шакл. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш андозаси

Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари ўртасида педагогик технологиялар ва уларнинг моҳияти хусусидаги назарий маълумотларни тарғиб этиш муваффақиятини педагогик жамоа, шунингдек, индивидуал педагог ходимларда уларни ўрганишга нисбатан эҳтиёж, кизиқишнинг юзага келишини белгилайди. Юзага келган эҳтиёж ҳамда кизиқиш уларни қондириш имконини берувчи амалий фаолиятни ташкил этишга нисбатан ҳарор топтиради.

Рағбат эса, ўз навбатида, амалий ҳаракатнинг ташкил этилишига туртки беради. Дастлаб машқларни ҳал этиш асосида ташкил этилаётган ҳаракатлар педагог ходимларда ўз фаолиятларини технологик ғояларга мувофиқ йўлга қўйиш бўйича муайян кўникмаларнинг юзага келишига замин ҳозирлайди. Доимий равишда машқлантириш, фаолиятни бир маромда ташкил этилиши, вақт ўтиши билан унинг суръатини оширишга эришиш ҳосил бўлган

кўникмаларни малакаларга айлантиради. Амалий кўникма ва малакаларнинг назарий билимлар билан уйғунлигини таъминлаш эса педагогик фаолиятни технологик ёндашув асосида ташкил этиш бўйича маълум тажрибани шакллантиради. Ана шу шароитдагина янгича ёндашувга асосланган амалий фаолиятни узлуксиз, изчил ташкил этиш учун имкон туғилади. Мазкур фаолиятнинг қай даражада самарали бўлаётганлигини аниқлаш мақсадида изчил тарзда махсус таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида педагогик фаолиятни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш малакасини шакллантиришга қуйидаги тамойилларга амал қилиш асосида эришилади:

1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги ягона мақсаднинг харор топганлиги.

2. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги ҳаракатнинг изчил, мақсадга мувофиқ, тизимли ва узлуксиз амалга оширилиши.

3. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишда мавжуд шарт-шароит ҳамда субъектив ёндашувларни инобатга олиш.

4. Педагогик маҳорат ва иқтидорларни эркин намоёиш этиш.

5. Янги тажрибаларни оммалаштириш.

6. Назарий ва амалий фаолият бирлиги.

7. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишда хорижий мамлакатларнинг донор ташкилотлари билан ҳамкорлик ва ҳоказолар.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш қуйидаги омиллар асосида амалга оширилади:

1) объектив омиллар:

- Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида моддий-техник базанинг яратилганлиги;

- Таълим - тарбия жараёнининг зарур техник ҳамда ахборотли воситалар билан таъминланганлиги;

- Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида педагогик мониторинг (маълумотлар банки) нинг ташкил этилганлиги, унинг махсус адабиётлар билан бойитилганлиги;

- Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг ўқитувчиларида педпгогик технологиялар моҳиятини ўрганишга нисбатан ички эҳтиёж ва қизиқишнинг юзага келганлиги;

- уларда ўз фаолиятларида педагогик технологиялардан фойдаланишга нисбатан рағбатнинг ҳарор топганлиги;

- Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг педагогик технологиялар моҳиятидан хабардорликлари;

- уларда ўз фаолиятларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларнинг таркиб топганлиги;

- Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг ўз педагогик фаолиятларида педагогик технологияларни қўллай олиш маҳоратига эгаликлари;

- уларда ижодкорлик, изланувчанлик, бошланғич синф ўқувчилари орасида кўтаринки кайфиятни ярата олиш сифатларининг мавжудлиги;

- Педагогик технология асосида педагогик фаолиятни ташкил этаётган ўқитувчиларни рағбатлантириб бориш ва ҳоказолар.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг педагогик фаолиятни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги маҳоратлари даражаси қуйидаги кўрсаткичларга мувофиқ белгиланади:

- бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари томонидан янги педагогик технология назарияси, унинг моҳияти, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш, бошланғич синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакалари даражасини олдиндан ташқислаш, улар томонидан ташкил этилаётган ўқув фаолияти мазмунини назорат қилиш, уларнинг билим,

кўникма ва малакаларини баҳолаш, педагогик фаолият самарадорлигини аниқлаш борасидаги назарий билимларнинг ўзлаштирилиши;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида техник воситалар ҳамда ахборот технологиялари хизматидан самарали фойдаланиш борасида ҳосил бўлган амалий кўникма ва малакалар;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида бошланғич синф ўқувчилари билан мулоқотни муваффақиятли ташкил этиш, педагогик фаолиятга нисбатан ижодий ёндошув, педагогик вазиятларни баҳолай олиш ва уларга мувофиқ хатти-ҳаракатни ташкил этиш малакалари шаклланганлиги;

- педагогик фаолият мазмуни, кўлами, суръати ҳамда самарадорлигинининг юқори даражаси.

Тадқиқот муаммосини назарий-амалий асосларини ўрганиш натижасида шу ҳолат аниқландики, педагогик технологиялар моҳиятини бошланғич синф меҳнат таълими дарслари педагоглари ўртасида тарғиб қилиш жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан табиий фанлар ўқитувчилари мазкур педагогик технологияларнинг назарий-амалий асосларини тез ва пухта ўзлаштиришга муваффақбўлганлар. Бунинг боиси, бошланғич синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакалари, шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлик даражасини аниқлашга йўналтирилган методларнинг статистик хусусиятга эгалигидадир.

Табиий фанлар ўқитувчиларининг техник ва ахборот воситалари билан ишлай олиш тажрибаси ва мутахассислик маълумотларига эга эканликлари уларни янги педагогик технологиялар борасидаги билимлардан хабардор этиш жараёнида маълум қулайликларни яратди. бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш жараёнидаги имкониятлар ва тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Хусусан, ўқув фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш, бошланғич синф ўқувчиларининг фаолиятларини назорат қилиш, уларнинг билим, кўникма ва

малакаларини баҳолаш ҳамда бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг самарадорлигини аниқлашга имкон берувчи дастурларни тузишда табиий фанлар ўқитувчиларининг ўрни бекиёсдир.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишда умумжамоа, шунингдек, ҳар бир ўқув фани ўқитувчисининг имкониятларидан самарали фойдалана олиш, муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар бир фан ўқитувчиси ўқув юрти манфаатларини шахсий қизиқишлари билан мувофиқлаштира олиши, айти вақтда бошланғич синф меҳнат таълими дарслари раҳбарияти ўқув юрти ўқитувчиларининг фаолияти педагогик технологияларга нисбатан эътиборли бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Ўқув юрти раҳбарияти ҳамда жамоа ўртасидаги яқдиллик, ягона мақсад сари интилиш бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўлида маълум муваффақиятларга эришишни таъминлайди.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида машғулотларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган фаолият мазмунини ишлаб чиқиш муаммонинг ижобий ечимини таъминлайди.

2.2. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишда ахборот технологиясидан фойдаланиш

Таълим-тарбия жараёни бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг таркибий қисми ҳисобланиб, мазкур жараёнга ҳам педагогик технологияларни татбиқ этиш бошланғич синф ўқувчиларининг баркамол шахс бўлиб вояга етишишлари учун шароит яратилишини таъминлайди. Бироқ бундай шароитнинг вужудга келиши таълим-тарбия жараёнининг асосий субъекти ва раҳбари бўлган ўқитувчиларнинг педагогик технологиялар моҳиятини англаш, улардан педагогик фаолиятни амалга

оширишда самарали фойдаланиш борасидаги кўникмаларни ҳосил қилиш лозим. Шунинг учун ҳам тажриба-синов ишлари жараёнида бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари орасида ўқув фаолиятида амалга ошириладиган тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор бердик.

Замонавий ахборот технологиялари халқ хўжалигининг турли соҳаларига, жамиятимизга, кундалик ҳаётимизга, ниҳоятда тез суръатлар билан кириб келмоқда. Бу жараёнлардан ўқув - тарбия тизимлари ҳам мустасно эмас [13]. Ҳақиқатан ҳам, замон талабларидан келиб чиқиб, нафақат компьютер технологиялари ва тизимлари бўйича мактаб ўқитувчилари ҳам замонавий компьютер тизимларининг қурилма ва дастурий воситаларидан фойдалана олиш корпоратив ва халқаро интернет Компьютер тизимларида мавжуд бўлган ахборот ресурсларга қира билиши ҳамда улардан оқилона фойдалана билишлари лозим бўлмоқда [56,65].

Шуларни эътиборга олган ҳолда ва жамиятнинг тобора ахборотлашиб бориши туфайли, узлуксиз таълим тизимининг ўрта ва юқори босқичларида информатика ва ахборот технологияси, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини компьютерлаштириш бўйича бир қатор янги ўқув фанлари киритилган. Барча таълим муассасалари замонавий компьютер синфлари билан жиҳозланмоқда, маҳаллий ва минтақавий ҳамда глобал компьютер тармоқларига уланилмоқда ва ҳ.о.

Ахборот технологиялари шу жумладан замонавий ахборот технологияси воситаларидан ўқув жараёнида фойдаланиш унинг самарадорлигини оширишга олиб келади. Ахборот технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этиш натижасида янги маълумотлар омбори вужудга келади , унда педагогик технологиялар, таҳлилий материаллар каби маълумотлар тўпланади. Республикамиз олимларидан С. С. Ғуломов, А.Х. Абдуллаев, А. А. Абдуқодиров, Л. И. Шибаршова, С. И. Раҳманқулова,

Р. Х. Ҳамдамов, Б. А. Мазгаров, Р. Ж. Тожиев, Л. Р. Мўминова, Н. В. Бочкаева ва бошқалар ўз ишларида ахборот технологиялари асосида масофадан ўқитиш технологиясининг истиқболли ҳамда ривожланиш босқичлари ва унинг ўқув материаллари омборини яратиш масалаларига тўхталишган. С.С. Ғуломов, А.Х. Абдуллаевларнинг ишларида виртуал стенд яратиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири эканлиги кўрсатилган [36].

Л. Х. Зайниддинова, Г. В. Ивашина, Д. Ф. Лазерева, В. В. Лазерева, В. В. Серикова, А. Ю. Уварова ва бошқаларнинг изланишларида экетрон ўқиш воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш муаммолари тадқиқ этилган бўлиб, уларда икки турдаги, яъни ахборот ва педагогик ёндашувлар қайд этилган [44].

Кейинги йилларда таълим муассаларини ахборот технологиялари билан таъминлашда сезиларли ўзгаришлар руй бермоқда. Булар таълим тизими мазмунини бойитишда, унинг сифатини оширишда ва таълимнинг турли самарали шакллларини ташкил қилишда намоён бўлмоқда.

Н.А. Муслимовнинг ишларида бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи омиллар сифатида масофавий таълим тизими ва электрон дарсликлардан фойдаланиш борасидаги изланишлар келтирилган [58].

Қ.Т. Олимовнинг ишларида эса ўрта махсус ва касб — ҳунар таълими тизимида ўқитиладиган махсус фанлар бўйича электрон дарсликлар яратиш принциплари ва технологиялари ҳамда уларнинг сифатини баҳолашнинг методик асослари келтирилган [66]. Х.Ф. Рашидов ишларида эса ўрта махсус ва касб — ҳунар таълими жараёнини ахборотлаштиришнинг методологик асослари муаммо сифатида ўрганилган [71]. Хўш ахборот технологияси нима?

Ахборот технологияси — бу турли масалалар ечимини топиш мақсадида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, ифодалаш,

тақсимлаш, узатиш ва уни истемолчига етказиб бериш жараёнларини компьютер ва телекоммуникация воситалари ёрдамида амалга оширадиган, тартибга солинган ва ташкиллаштирилган тизим ва амалий дастурлар мажмуидир. Ахборотни қайта ишлаш жараёнларини кенг компьютерлаштириш замонавий ахборот технологиясининг мазмунини ташкил этади. Шунинг учун компьютер ва унинг қурилмалари барча замонавий ахборот технологияларининг марказида туради ва уларнинг техник таъминотини ташкил қилади. Техник таъминоти муҳим бўлсада, замонавий ахборот технологиялар таълимотининг ягона тури эмас, бу аснода дастурий таъминот, ахборот таъминоти, ташкилий таъминот ва бошқаларни келтириш мумкин. Келтирилган тўрт таъминот турларини мужассам мавжудлиги ахборотни қайта ишлаш бўйича ахборот технология вазифаларини бажариш имкониятини беради.

Ўқитувчи - педагогларнинг қатъий ҳаракат қилишларига қарамасдан, дарсни режалаштирилган ҳажмда тўлиқ ўтказиш жуда кам ҳолларда содир бўлади. Бунда ўқитувчи вақтнинг маълум бир қисмини ёзув ишларига, ўқув материални баён қилишга сарфлайди. Натижада ўқувчиларнинг дарс давомида олиши мумкин бўлган билимлари режалаштирилгандан анча кам бўлади. Бу фарқни бартараф этиш мақсадида одатда, ҳар хил кўринишдаги усуллар қўлланилади. Буларга мустақил ишлаш ва амалиёт дарсларини кўрсатиш мумкин. Агар ўқитувчининг малакаси етарли даражада бўлмаса ёки ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилияти суст бўлса юқоридаги фарқ янада кўпаяди. Анъанавий ўқитиш усуллари бу камчиларни бартараф этишда самара бермайди.

Анъанавий ўқитиш усулларида меҳнат таълими дарсларига етарли миқдорда вақт ажратилади. Бу дарсларда ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш имконияти мавжуд. Аммо қуйидаги сабабларга кўра бу дарсларда самарали натижага эришиб бўлмайди:

- мавжуд амалий стендлари учун замонавий асбоб — ускуна ва

қурилмалар билан етишмаслиги;

- амалий дарслардаги кўпгина иш қуролларининг ўқувчилар сонига нисбатан етарли бўлмаслиги;

- амалий стендларини ва синфларни ҳар йили мукам-маллаштириш зарурлиги (бу эса кўшимча ҳаражатлар талаб қилади);

- айрим амалий ишларида бажарилаётган жараёнларнинг суст ўтиши сабабли ажратилган вақт мобайнида такрорий таҳлил ва текшириб кўриш ишларини ўтказишнинг мураккаблиги.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг билим савиясини ошириш учун кўп ҳолларда дарсларни такрор ҳолда ўтказиш тақозо қилинади. Айрим иш қуролларининг камлиги бу ишларни амалга оширишга йўл қўймайди.

Бу қайд этилган муаммолар умумтаълим мактабларида меҳнат таълими фанини ўқитишда бугунги кундаги долзарб муаммолар ҳисобланади ва уларни муваффақиятли ҳал этиш бу фанларни ўқитишга ахборот технологияларини жорий этишни тақозо этади.

Чунки, барча фанлар каби меҳнат таълими фанини ўқитишда таълимда янги ахборот технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларининг назарий билимларни пухта ўзлаштиришига, малака ва кўникмаларини шаклланишга ҳамда уларни Амалий машғулотда мустаҳкамлашга имконият яратади, турли моделлар асосида ўқитишнинг ноанъанавий шакл, услуб ва воситалардан фойдаланишга ёрдам беради, яъни:

- ахборот технологияси таълим — тарбиянинг дидактик мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қулай ўқув объектини танлаш ва уни лойиҳалашда қулай имконият яратади;

- ахборот технологияси ёрдамида автоматлашган ўқув ва назорат дастури ва режалари мазмунини тезкорлик билан ўзгартириш имкониятига эга бўлади;

- ўқитувчи таълим олувчи ўқувчи шахсини шакллантириш, ижодий изланиш ва фаол фаолиятини ташкил этишда ахборот техноло-гиялари ёрдамида янги имкониятларига эга бўлади;

- телекоммуникацияли технологияларининг жорий қилиниши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турли кўринишдаги матнлар билан ишлашлари учун кенг имкониятлар вужудга келтиради;

- ўқувчи аудиториядан ташқарига чиқмаган ҳолда, дунёнинг исталган мамлакатдаги етук олимларнинг маъруза ва амалий машғулотларидан баҳраманд бўлиши, келажакда юз бериши мумкин бўлган ҳодиса ва жараёнлардан хабардор бўлишлари, дунёнинг машҳур маънавий — маърифий марказлари билан танишиш имкониятларига эга бўлади;

- замонавий ахборот технологияси воситалари ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув билимлари банки, технологик хариталарини тадқиқ этиш ва уларни ўрганишлар орқали илмий педагогик изланиш салоҳиятлари шакллана боради;

- замонавий ахборот технологияси воситаларига асосланган таълим — тарбия ишларининг натижалари уларга сарфланган кам вақт билан ўлчанади.

Янги ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб қўйилган педагогик мақсадга муваффақиятли эришиш фақат ахборотли - ўқув муҳитида ишлаш шароитида амалга оширилиши мумкин.

Ахборотли — ўқув муҳити деганда, ўрганувчи, ўргатувчи (ўқитувчи янги ахборот технологиялари воситалари ўртасидаги ўқув-ахборотли ўзаро ҳатти - ҳаракатлар жараёни пайдо бўлиш ва ривожланишга имкон берувчи шарт - шароитлар мажмуаси ҳамда муайян ўқув курси бўйича предметли мазмун муҳити компонентлари (компьютерга уланувчи турли хил ўқув, намойиш қилувчи жиҳозлар, дастурли воситалар ва тизимлар, ўқув - кўргазмалар қўлланмалар ва бошқалар) жамланган шароитда ўрганувчининг фаол билиш фаолиятини шакллантириш тушунилади.

Ахборотли — ўқув муҳитининг мақсади:

а) шахснинг ижодий ташаббускорликка қобилияти ва потенциали имкониятларини аниқлаш уларни оммалаштириш ва ривожлантириш;

б) билимларни мустақил эгаллаш ва уларни сифатли ўзлаштириш

учун шарт - шароит яратиш;

в) ўқитиш натижаларини таҳлил қилишни автоматлаштиришни таъминлаш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ҳамма вақт ҳам ҳар қандай ўқитувчи ўзида мужассам қила олиш имкониятига эга бўлавермайди. Бундай ҳолларда ўрганилаётган фаннинг ўқув-услубий таъминотини компьютерлаштирилган ҳолда тайёрлаш жуда катта аҳамият касб этади. Бунда ўқитувчи биринчидан, ўзининг фани бўйича ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган бўлиши керак бўлса, иккинчи томондан замонавий ахборот технологиялари ва тизимларини ҳам юқори даражада билишлигини талаб этилади. Бунинг натижасида ўқитувчи муайян фан бўйича ахборотли-ўқув муҳитини ярата олади.

2.3. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида технологик ёндашув

Тарбия жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг тарбиявий ишларни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувдан иборат бўлиб, мазкур ишлар мазмунини шакллантириш бирқадар мураккаб жараён дир. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида бошланғич синф ўқувчиларига муайян ўқув фани тўғрисида маълумотларни беришда вақт ҳажми қатъий белгилаб қўйилган, бундай ҳолат ўқув фаолиятини технологик ёндашув асосида ташкил этишни бирқадар барқарорлаштиришга имкон берса, тарбия жараёнига нисбатан бунга эришиш мураккаброқ дир. Бинобарин, бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг муайян босқичларида бошланғич синф ўқувчиларида бир қатор шахсий сифатлар шакллантирилади. Уларни бойитиш эса шахс тарбиясини узлуксиз давом эттиришни талаб қилади. Бунда бевосита ўқув жараёни ҳамда аудиториядан ташҳари тарбиявий ишлардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида машғулотларни педагогик технологиялар асосида ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад - тарбия жараёнининг асосий субъектлари бўлган ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасида юзага келувчи мулоқотнинг самарали бўлиши бу тизимнинг янгича мазмун касб этишига эришишдан иборат. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларидан бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, бу борада аҳамият берилиши лозим бўлган шартлар хусусида ўқитувчиларни хабардор этишга ёрдам берадиган тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор берилди. Мазкур тадбирлар воситасида қуйидаги педагогик вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши назарда тутилди:

1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги назарий-амалий билимларини ўзлаштиришлари учун муайян шарт-шароит яратиш.

2. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларига тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида маълумот бериш.

3. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги назарий билимларни ҳосил қилиш.

4. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида педагогик технологиялар асосида тарбия жараёнини ташкил этиш борасидаги назарий билимларининг амалий кўникма ва малакага айланишига эришиш.

5. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида тарбия жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишга нисбатан рағбатни юзага келтириш.

6. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувни ҳарор топтириш, маҳоратини ошириш.

7. Педагогик тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида Республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалардан бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларини хабардор этиш.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишлари қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда ҳам мақсадга мувофиқдир:

1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида амалга ошириладиган тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш педагогик жамоа олдида турган умумий мақсад сифатида эътироф этилишига эришиш.

2. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг тарбиявий фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш.

3. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг тарбиявий фаолиятини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўлида муайян шарт-шароитларни яратиш.

4. Уюштирилаётган тадбирларнинг ғоявийлигини таъминлаш.

5. Тадбирлар ғояларининг ягона мақсадга хизмат қилишига эришиш.

6. Тадбирларни ташкил этишда уларнинг узлуксиз, тизимли ва изчил бўлишини таъминлаш.

7. Тадбирлар жараёнида ҳар бир ўқитувчининг ички имкониятларини инобатга олиш, уларнинг педагогик тажриба ва касбий маҳоратларига таяниш.

8. Тадбирларни уюштиришда ўқув юрти фаолиятини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда қўлга киритилган тажрибалардан фойдаланиш.

9. Тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсаднинг натижаланишига эришиш.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида тарбиявий фаолиятни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган

тадбирларнинг қуйидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида уюштирилиши кутилган натижани қўлга киритиш учун имкон яратиши аниқланди:

а) тадбирлар шакллари - маъруза, давра суҳбати, семинар, баҳс-мунозара, учрашув, танлов, кўрик, мусобақа ва бошқалар;

б) тадбирлар самарасини таъминловчи методлар - тушунтириш, ҳикоя қилиш, кўрсатмалилик, манбалар билан ишлаш, машқлантириш, рағбатлантириш, жазолаш ва ҳоказолар;

в) тадбирлар самарадорлигини оширишда қўлланган воситалар-манбалар (ўқув дастури, қўлланма ва дарсликлар), кўрғазмали, техник ҳамда ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот воситалари-газета ва журналлар), нутқ, педагогик тажриба, ёш ўқитувчиларнинг фаолияти ва бошқалар.

Тадқиқот давомида амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг мавжуд шароитда тарбиявий тадбирларни қандай омилларга таянган ҳолда олиб бораётганликлари ва уларнинг самарадорлиги қай даражада эканлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Натижада қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашга муваффақбўлдик (2.2.1-жадвал):

2.2.1- жадвал. бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида тарбиявий тадбирларни амалга ошириш самарадорлиги (% ҳисобида)

Омиллар	Тажриба гуруҳи $n_1=80$		Назорат гуруҳи $n_2=80$	
	Ижобий	Салбий	Ижоби й	Салбий
Қўйилган мақсаднинг аниқлиги	26	74	27	73
Яратилган шароитлар (кўрғазмали, техник ва ахборот воситалари) нинг мавжудлиги	42	58	37	63

Тарбия жараёни субъектлари имконият-ларининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги	26	74	43	57
Бошланғи синф ўқувчилари имконият-ларининг инобатга олинганлиги	23	77	41	59
Ўқитувчининг педагог маҳорати	63	37	55	45
Тадбирнинг йўналиш ва мавзуси	62	38	57	43
Тадбирнинг самарали шакл ва методлар ёрдамида ташкил этилганлиги	54	46	58	42
Тадбирнинг технологик ёндашув асосида уюштирилганлиги	14	86	21	79
Тадбир натижаларининг доимий равишда таҳлил этиб борилиши	15	85	23	77
Тадбир фаол иштирокчиларининг рағбатлантириб борилиши	34	66	45	55

Кузатишларимиз давомида бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг респондент ўқитувчилари ўртасида қайта сўров ташкил этилиб, тарбиявий тадбирлар самарадорлигини таъминловчи омиллар ва уларнинг самарадорлик даражаси яна бир бор аниқланди. Натижада қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашга муваффақ бўлдик (2.2.2 - жадвал):

2.2.2 - жадвал. Тажриба-синов ишлари якунида аниқланган тарбиявий тадбирлар самарадорлигини таъминловчи омилар (% ҳисобида)

Омиллар	Тажриба гуруҳи $n_1=80$		Назорат гуруҳи $n_2=80$	
	Ижобий	Салбий	Ижобий	Салбий
Қўйилган мақсаднинг аниқлиги	86	14	54	46
Яратилган шароитлар (кўргазмали, техник ва ахборот	69	31	48	52

воситалари) нинг мавжудлиги				
Тарбия жараёни субъектлари имкониятларининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги	62	38	57	43
Бошланғич синф ўқувчилари имкониятларининг инобатга олинганлиги	63	37	51	49
Ўқитувчининг педагог маҳорати	72	28	62	38
Тадбирнинг мавзуси ва мазмуни	83	17	64	36
Тадбирнинг самарали шакл ва методлар ёрдамида ташкил этилганлиги	86	14	75	25
Тадбирнинг технологик ёндашув асосида уюшти- рилганлиги	82	18	37	63
Тадбир натижаларининг доимий равишда таҳлил этиб борилиши	84	16	41	59
Тадбир фаол иштирок- чиларининг рағбатлантирилиб борилиши	78	22	58	42

Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари томонидан тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини таъминловчи омилларни қайд этиш ўрганилганда, тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари улар фикрларининг кескин ўзгаришига сабаб бўлганлигини аниқланди. қуйида ушбу тадбирларнинг айримлари устида тўхталамиз.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида тарбиявий ишларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тажриба-синов ишлари махсус режа асосида олиб борилди. Мазкур режа таркибидан бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида тарбиявий фаолият жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга имкон берувчи тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор қаратилди (2-илова).

Тажриба-синов майдонлари бўлган бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида ташкил этилган ҳамда тарбиявий фаолиятни педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирлар орасида

«Тарбиявий жараёни лойихалаштириш» мавзусидаги тренинг муҳим ўрин эгаллади. Мазкур тренинг қуйидагича таркибга эга:

I. Савол-жавоблар асосида педагогик вазиятни бирламчи ўрганиш:

1. Тарбия жараёни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мумкинми? Фикрингизни асосланг.
2. Тарбиявий тадбир лойихасини ишлаб чиқишда нималар инобатга олинади?
3. Тарбиявий тадбир субъектларининг тадбирни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил этишдаги ўрни қандай бўлиши лозим?

II. Тренинг асосида амалий фаолиятни ташкил этиш.


1. Тарбиявий тадбирни лойихалаш - маъруза.
2. Маълум мавзу бўйича тарбиявий тадбирнинг мақсади ва унга мувофиқ вазифаларни аниқланг.
3. Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мавзулар бўйича уюштирилладиган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини таъминловчи шакл, метод ва воситаларни аниқланг. Фикрингизни асослаб беринг.
4. Муайян мавзу асосида тарбиявий тадбир лойихасини ишлаб чиқинг (тадбирнинг мазмунини тўлиқ баён этишга ҳаракат қилинг).

III. Давра суҳбати асосида педагогик вазиятни иккиламчи ўрганиш:

1. Тарбия жараёни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида сиз қандай фикрдасиз?
2. Тарбиявий тадбир лойихасини ишлаб чиқишда аҳамиятли бўлган омиларни кўрсатинг.
3. Тарбиявий тадбирлар жараёнида (уни ташкил этиш, ўтказиш ва якуний муҳокамада) ўқувчининг ўрни қандай бўлиши лозим? Ўқитувчининг ўрни-чи?

Тадбир жараёнида ўқитувчиларга тарбиявий тадбирларни лойихалаштиришнинг аҳамияти, унинг моҳияти, шунингдек, тарбиявий тадбирни лойихалашда инобатга олинади лозим бўлган омиллар хусусида назарий маълумотлар берилди. Тадбир доирасида ўқитувчиларнинг амалий

фаолиятларини ташкил этиш жараёнида 2.2.1. шаклда келтирилган схема асосида иш кўришлари тавсия этилди:



2.2.1 – расм. Тарбиявий тадбирларнинг умумий лойиҳаси

Касб-хунар коллежларининг ўқитувчилари билан ташкил этилган тадбирлардан яна бири «Ижодий лаёқатни намойиш этиш» мавзусидаги тадбир бўлиб, ундан кўзланган мақсад - ўқитувчиларда тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида олиб бориш кўникмасини шакллантириш, уларда шахсий имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш маҳоратини тарбиялашдан иборат бўлди. Тадбир қуйидагича уюштирилди:

I. Анкеталар асосида педагогик вазиятни бирламчи ўрганиш:

1. «Педагогик ижод» деганда нимани тушунасиз?

2. «Ижодкорлик» қандай сифат?

3. Сиз ижодий сифатлар (шеърый, насрий асарлар, илмий мақола ёки рисола ёзишга бўлган лаёқат, асарлар мазмунини бадий талқин эта олиш, ҳаказолар)га эгаман деб ҳисоблайсизми? Бу борадаги мавжуд сифатларингизни сананг.

4. Сиз ижодий сифатларингиздан самарали фойдалана оляпсизми?

5. Ижодий фазилатларингиздан самарали фойдаланишингизга қандай омиллар тўсқинлик қилмоқда?

6. Тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашасизми?

7. Ижодий сифатларга эга бўлиш фаолиятда муваффақиятга эришиш омили бўла оладими?

II. Тренинг ва мусобақа асосида амалий фаолиятни ташкил этиш.

1. Ихтиёрий мавзу ва жанр асосида ижодий иш яратишга ҳаракат қилинг.

2. Уларни умумлаштириш асосида муайян мавзуда оғзаки журнал, буклет ёки деворий газета ва бошқаларни яратинг. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ҳисобга олинг, фикрингизни Шарқланг.

3. Яратилган ижодий ишлар юзасидан мулоҳазаларингизни баён этинг.

III. Сухбат асосида педагогик вазиятни ойдинлаштириш.

1. Педагог қандай бўлиши лозим?

2. Педагогларда ижодий қобилият қандай шакллантирилади?

3. Педагоглар ижодий қобилиятларини намойиш этишлари учун қандай шароит зарур?

Ушбу тадбирни ўтказиш жараёнининг дастлабки босқичида ўқитувчилар эътиборига ҳавола этилган анкета сўрови натижалари умумлаштирилди ҳамда уларга таянган ҳолда ижодий-педагогик фаолият, унинг таълим-тарбия ишларининг муваффақиятини таъминлашдаги аҳамияти, ижодий қобилиятлар ва уларни шакллантириш шартлари ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир жараёнида «6х6х6» методидан фойдаланилди. (5-иловага қаранг.) Ўқитувчилар томонидан яратилган ижодий ишлар гуруҳлар бўйича умумлаштирилиб, ушбу умумлашма асосида деворий газета, оғзаки журнал, буклет ва «Педагогик поэма» номли китоб яратилди. Тадбир жараёнида ўқитувчиларнинг фаол иштирок этишларига алоҳида эътибор берилди.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг ўқитувчиларида тарбиявий фаолиятни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш

борасидаги тушунчаларни ҳосил қилиш, шунингдек, уларда тарбиявий ишлар жараёнини лойиҳалаштириш борасидаги малакани шакллантириш сўз юритилаётган жараённинг самарали кечиши учун замин яратади. Тажиба ишларини уюштириш чоғида бу таҳлитда иш кўриш ўзининг ижобий натижаларини берди. Ишимизнинг навбатдаги бобида ана шулар хусусида сўз юритамиз.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларининг асосий таркибий қисмларидан бири таълим бериш фаолияти бўлиб, бу жараёни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш бошланғич синф ўқувчиларига ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асослари тўғрисида маълумотлар бериш, бу борада самарадоликка эришиш имконини беради.

2. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларини педагогик технологиялар моҳиятидан хабардор этишга йўналтирилган махсус тадбирларнинг уюштирилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Тадбирлар жараёнида бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларига назарий билимлар бериш, уларда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда уйғунликни таъминлаш ўқитувчиларнинг педагогик технологиялар моҳиятини пухта ўзлаштиришларига имкон яратади.

4. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларидаги тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, ушбу мақсадга эришиш тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга имкон яратади.

5. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларидаги тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг муваффақиятли амалга оширилиши ўқитувчиларга тарбиявий ишлар жараёнини педагогик

технологиялар асосида ташкил этиш борасида назарий-амалий билимлар бериш асосида йўлга қўйилади.

6. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида тарбиявий ишлар жараёнини лойиҳалаштириш кўникмаси, шунингдек, ижодий қобилиятларни ҳосил қилиш мазкур ўқув юртлари фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этишдан кўзланган мақсаднинг амалга ошишига олиб келади.

III БОБ. ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

3.1. Тажриба-синов ишларини ўтказиш методикаси

Маълумки, бошланғич таълим жуда мураккаб жараёндир, чунки бола бевосида ўйин фаолиятидан таълимий фаолиятга киришади. Бу жараёни ҳозирги кун давр талаби асосида ташкил этиш, яъни узлуксиз таълим

тизимида узвийликни таъминлаш бошланғич синф ўқитувчисидан катта масъулият, билим, маҳоратни талаб этади.

Бугунги кун ўқитувчиси ўқувчиларини чуқур билимли, зукко ва мустақил фикр эгаси этиб тарбиялаши учун нималарга эътибор бериш керак?. Дарсни қандай ташкил этиш керак?.

Педагогика фанлари номзоди, доцент Г. Давированинг бу хусусида қуйидаги фикрларига эътибор қаратамиз: «Бугунги аксарият дарслар ўқувчини мустақил фикрлашга, баҳс-мунозарага, ўз-ўзини таҳлил эта олишга, эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишга чорлашда ночорлик қилапти. Ўқитувчи икки карра икки тўрт бўлади деса, уни ёдлаб олган ўқувчи икки каррани яъни ўқитувчига қайтариб айтиб берса, боланинг тафаккури қаердан ривожлансин?. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, аксарият болалар ёд олиш билан чекланиб, баҳо олиш учунгина ўқиётганлигининг гувоҳи бўласиз.»

Юқорида келтирилган муаммоларнинг ечими республика ДТСлари талабларидан келиб чиқиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш мақсадида таълим жараёнида турли интерфаол усулларни қўллаган ҳолда иш олиб боришни тақозо этади.

Умумий ўрта таълим мактабларида, хусусан, бошланғич таълимда интерфаол усул асосида ўтиладиган дарсларда ҳар бир ўқувчи ўзининг ички имконияти, қобилиятини намоён қилади. Бу усулдаги дарслар XXI асрга хос ва мос бўлган комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва ўқувчиларнинг билимларини баҳолашда тажриба-синов ишлари уч босқичда олиб борилди.

- бошланғич баҳолаш;
- жорий, яъни шакллантирувчи баҳолаш;
- якуний, яъни умумлаштирувчи баҳолаш.

Бошланғич баҳолаш – меҳнат таълими фани бўйича ўқувчиларнинг билимини уларга берилган ўқув материални ўрганиш жараёнининг

бошланишида ўқувчиларнинг меҳнат фани бўйича дастлабки билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун ўтказилади. Бундай баҳолаш натижалари ўқув материални ўрганиш бўйича таълим жараёнининг мазмунини, усуллари ва шакллари танлаш имконини беради.

Жорий (шакллантирувчи) баҳолаш ўқувчилар ўртасида ўқув материалининг ўрганиш давомида мунтазам равишда ўтказиб борилади. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, таълим жараёни самарасини тезкор аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги тескари алоқани таъминлаш имконини беради.

Одатда тажриба-синов ва назорат гуруҳларида ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш даражалари якуний баҳолашда таққосланади ва машғулотларни олиб боришнинг педагогик самарадорлиги аниқланади.

Якуний (умумлаштирувчи) баҳолаш – ўқувчининг меҳнат таълими фани бўйича ўқув материални маълум даврдаги ўзлаштириш натижаларини белгиланган мезон ва стандартларга жавоб беришини аниқлайди. Якуний баҳолаш таълим жараёнининг маълум босқичи якунида ўтказилади.

Ўтказилган тажрибалар натижасида якуний умумлаштирувчи баҳолашни ўтказишда қуйидагиларга эътибор бериш лозимлиги аниқланди:

- Назорат ва тажриба-синов синфларида умумлаштирувчи баҳолаш нима мақсадда ўтказилиши ҳақида ўқувчилар маълумотга эга бўлиши лозим.
- Баҳолаш ўтказиш вақтида ўқувчи ўзини эркин тутиши ва нохушлик ҳис қилмаслигига имкон яратиш керак.
- Ўқувчининг ўқув материални ўзлаштирганлик даражаси олдиндан белгиланган натижалар мезони ёрдамида баҳоланиши лозим.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида табиий материаллардан буюмлар тайёрлашни ўргатишда ўтказиладиган машғулотлар турларини таълим жараёнидаги таъсирини ўрганиш ва уларнинг педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳридаги 29 – араб тилига ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчилари ўртасида тажриба синов ишлари ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари тайёргарлик даражаси бир хил бўлган, шартли равишда “тажриба синфи” ва “назорат синфи” деб белгилаб олинган синфларда ўтказилди. Тажриба-синов ишлари бир хил материал ва икки хил методикадан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, иккала синф ўқувчиларида эгалланган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар таққосланди.

Тажриба учун ишлаб чиқилган услубий ишланмаларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- маъруза ва амалий машғулотларнинг янги педагогик ўйинли технологиядан фойдаланиб ўтказилиши;
- кўргазма ва дидактик материалларнинг юқори савияда бажарилганлиги;
- ноанъанавий таълим методидан тўғри фойдаланилганлиги.

Тадқиқотни амалга ошириш дастурига биноан ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни сифатининг статистик тавсифини тузиш кўзда тутилган эди. Бу умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида меҳнат таълими ўқув фанини ўқитиш бўйича ишлаб чиққан дастур ва методикамиз мазмунининг самарали эканлигини баҳолаш имконини берди.

3.2. Тажриба - синов ишларининг натижалари ва уларнинг самарадорлик даражаси

Юқорида амалга оширилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, тажриба-синов ишларининг мақсадини бошланғич синфларда ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт - шароитларни яратишни, ўқитишнинг замонавий усулларни қўллаш жараёнида ўқувчилар билим даражасини аниқлашни, бошланғич таълимни замонавий педагогик технология асосида ташкил этишни таълим муассасаларига, амалиётга жорий қилиш йўли билан ўрганиб, баҳолаш деб олдик.

Тажриба-синов ишлари қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

Изланувчан тажриба босқичи. Бунда бошланғич синфларда ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчи шахсини шакллантиришда ўқитишнинг замонавий

усулларидан фойдаланиш шакллари ва мазмуни ишлаб чиқилди ва шу асосда дарс ишланмалари яратилди.

Таъкидловчи тажриба босқичи. Бунда ишлаб чиқилган (мавжуд) замонавий ўқитиш усулларни ташкил этиш шакллари ва мазмуни бевосита ўқувчиларнинг ўқув жараёнида синаб кўрилди.

Шакллантирувчи тажриба босқичи. Бунда ўқувчиларнинг интерфаол усулларни қўллаш жараёнидаги билимларни ўзлаштириш ҳамда билим даражаси таҳлил қилинди.

Тажриба-синов ишлари Абдуллаева Қ., Бикбаева Н., Зайдиннинова М., Ибраҳимова Р., Мамажоновна М., Ҳусанбоева Ҳ., ва бошқаларнинг илмий ишларидан келтирилган умумий тавсиялардан келиб чиқиб, Давлат таълим стандартлари ҳамда таълим мақсадларига мос равишда олиб борилди.

Бошланғич синфларда ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш тажриба-синов ишларини олиб бориш ва унинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ва бир-бирини тўлдирувчи методлар мажмуасини қўлладик.

Тошкент шаҳридаги 29 – араб тилига ихтисослаштирилган 4-синфларида ўтказилган педагогик амалиётимиз жараёнида ўқитишнинг замонавий усулларини қўлладик ва самарали натижаларга эришдик. Тажриба-синов майдони қуйидаги жадвалларда ўз аксини топган.

Тажриба-синов майдонлари таркиби.

№	Тажриба-синов майдонлари	Синф	Тажриба гуруҳи	Синф	Назорат гуруҳи	Жами ўқувчилар сони
1	Тошкент шаҳар 29-умумтаълим мактаб	4 «А»	23	4 «Б»	26	49

Тажриба-синов ишлари 2 та 4 А ва Б синфларида ўтказилди. Бу синфларда тадқиқот иши биз таклиф этган ўқитишнинг замонавий усуллари бўйича 4 А синфида, назорат гуруҳида, яъни 4 Б синфида анъанавий методлар асосида ўтказилди.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки изланувчан босқичида ўқувчиларнинг математика, табиатшунослик (атрофимиздаги олам), ўқиш фанларини билиши ва қизиқиши таҳлил қилинади. Улар билан ишлаш йўналишини белгилашни мақсад қилиб қўйдик. Мазкур методлар орқали ўқувчиларнинг математика, табиатшунослик ва ўқиш фанларидан дарсга бўлган қизиқишларни белгилаб олдик.

Тажриба-синов ишларининг мазкур босқичини амалга ошириш учун ўқувчиларнинг қизиқишлари ва мустақил фикрлашларини аниқлашга хизмат қилувчи ўқитишнинг замонавий усуллари («интерфаол», «кубик», «занжир», «ақлий ҳужум»)ни белгилаб олдик.

Интерфаол усул-бу ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида таълимни ўзлаштириш муносабатларини кучайтириш, фаоллаштириш демакдир.

Ақлий ҳужум-ўқувчиларнинг тасаввурлари, бор билими ва имкониятларидан унумли фойдаланишга йўналтирилган.

Кубик - бу усул мавзунини ўрганишни осонлаштиради.

Тажриба-синов ишларимизнинг изланувчан ва таъкидловчи босқичларида тажриба синфлар (4 А)даги ўқувчиларнинг мустақил фикр юритиш қобилиятини ривожлантириш, ўқув материални чуқур ўзлаштириш мақсадида муаммоли вазият яратилди, «кластер», «кубик», «занжир», «гуруҳларга бўлиб ишлаш», «ақлий ҳужум» каби ўқитишнинг замонавий усулларида самарали фойдаланилди.

Ўқитиш усуллари асосида дарс ўтаётганда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, ўқув предметининг хусусияти, мавзуси, мақсадидан келиб чиқдик.

Бу ишлар албатта ўқитувчидан ижодий изланишни талаб этади. Токи ўқувчи дарсда фақат эшитувчи бўлиб қолмасин, танбаллигига йўлиқмасин.

Муаммоли саволлар туфайли (нима учун? ниманинг таъсиридан?. қандай қилиб? энди нима қилиш зарур? каби саволлар) тез-тез бола фикрида намоён бўлсин.

Дарс ўтиш жараёнида синф ичида микрогуруҳлар ҳам ташкил қилинди. Бу микрогуруҳлар аъзолри ўртага ташланган муаммоли савол, топшириқни бажаришда ўзаро бир-бирлари билан фикр алмашдилар ва ягона бир фикрга келишиб, ўз жавобларини шарҳлаб беришди. Бу эса ўқувчилар орасида жамоани ташкил қилишга, бир-бирларининг фикрларини ҳурмат қилишга ўргатишга ёрдам берди. Дарс жараёнида ҳар бир ўқувчи билдирган фикрлар ўқитувчи томонидан қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилди.

Жумладан, ўқиш дарсларида қуйидагича тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишларининг изланувчан ва таъкидловчи босқичларида мактаб ўқувчиларининг «Илм афзал» эртаги тўғрисидаги тушунчаларини ўрганиш мақсадида махсус ишлаб чиқилган анкеталар ёрдамида сўров ўтказилди. Олинган натижалар таҳлиliga асосан ўқувчиларнинг эртак қаҳрамонларига муносабат даражаларини белгилаб олдик.

1-даража. Эртак қаҳрамонлари ва мазмуни тўғрисида суат ўзлаштирган ўқувчилар. Улар эртак қаҳрамонлари ва мазмуни ҳақида тор маълумотга эга бўлиб, фақатгина бошқа вазифалар билан боғлиқ вазиятлардагина эртак қаҳрамонлари ҳақида билимга эга бўлади.

2-даража. Эртак қаҳрамонлари ва мазмунини ўртача ўзлаштирган ўқувчилар. Бу гуруҳга кирувчи ўқувчилар эртакда киритилган матнга зид маънодаги ўхшатиш тўғрисида тушунчага эга, бироқ улар эртакда келтирилган қаҳрамонлар қандай характерга ва инсоний фазилатга эга эканлиги даражасини белгилаб олмаган.

3-даража. Эртак қаҳрамонларини ва мазмунини юқори даражада ўзлаштирган ўқувчилар. Бу гуруҳ ўқувчилари эртак қаҳрамонлари тўғрисидаги тушунчаларни аниқлайдилар, эртак қаҳрамонлари орқали қандай фазилатга эга инсонлар акс эттирилганини, эртакнинг асосий ғоясини

ўрганадилар. Эртак қаҳрамонларини ролларга бўлиб ижро этадилар ва анализ, синтез қиладилар. Бундай ўқувчиларнинг юқори даражага эга эканлиги уларда мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятларини ривожланиши, шаклланиши жараёнини қувватловчи фаол билиш фаолиятининг амалга оширилиши ва қизиқувчанлигидан иборат. Бундай ўқувчилар ўз ижодий фаолиятини ташкил қилишда ўқитувчидан ўртак олади, эртак қаҳрамонлари ҳақида ўқиб, маълумот тўплаб келгуси дарсга тайёр бўлиб келадилар.(8-илова).

Амалга оширилган тажриба-синов ишларимизнинг таъкидловчи тажриба босқичида ишлаб чиқилган таълим мазмуни ва методлари, ўқиш дарсларида эртакни ўрганиш технологиясининг функционал тузилмаси нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларимизнинг натижасида ўқувчилар эртак қаҳрамонларининг ўзига хос сифатларини ўрганадилар, эртак матнидаги мураккаб, тушуниши қийин бўлган сўзлар мазмуни изоҳладилар, матн мазмуни тўлароқ англашда халқ мақолларидан намуналар айтишиб, мақолда баён қилинган фикрни шарҳлаб берадилар, эртак қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатига муносабатини билдирадилар ва дарс давомида турли хил дидактик ўйинларни қай тарзда ижро этишни билиб оладилар.

Назорат гуруҳларда эса дарс анъанавий усулда олиб борилди.

Тажриба-синов ишларимизнинг 3-босқичида иш натижалари таҳлил қилинди ва таҳлил натижаси тажриба гуруҳининг ўқувчилари назорат гуруҳининг ўқувчиларидан юқори эканлигини кўрсатди. Улар орасидаги тафовут 3-жадвалда яққол кўринади.

Олиб борилган тажриба-синов ишларидан хулоса шуки, ўқитишнинг замонавий усулларини дарсда қўллаш натижасида ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқиши ошади, қизиқиш эса интилишга, билимларни пухта ўзлаштиришга олиб келади.

Тажриба-синов гуруҳлари аъзоларининг 2010-2011 ўқув йили бўйича билим даражаларининг кўрсаткичлари.

2-жадвал.

№	Тажриба гуруҳи					Назорат гуруҳи					жами
	синф	Ўқувчилар сони	даражалар			синф	Ўқувчилар сони	даражалар			
			1	2	3			1	2	3	
I	4«А»	23	2	7	14	4«Б»	26	8	10	8	49

Тажриба (т) ва назорат (н) синф ўқувчиларининг саволларга берган жавобларини баҳолаш натижалари (2010).

3-жадвал.

№	Синф	гуруҳ	Ўқувчилар сони	3	2	1	3	2	1
I	4 «а»	Тажриба	23	14	7	2	42	14	2
II	4 «Б»	Назорат	26	8	10	8	24	20	8

Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Тажриба синов ишлари учун тажриба майдончалари қилиб Тошкент шаҳридаги 29-араб тилига ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 4 А ва Б синфлари олинди
2. Бу синфларда учта босқичда тажриба синов ишлари олиб борилди ва тажриба гуруҳида танланган ўқитиш методимиз натижасида ўқувчиларни фанни ўзлаштиришлари бўйича юқори самарадорликка эришилди.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар унинг самарадорлигини таъминлаш, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб етиштиришга хизмат қиладиган узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилгандир. Бу жараёнда янги турдаги таълим муассасалари – академик лицей ва бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, бу борада самарадорликка эришиш,

мазкур ўқув юртлирининг мустаҳкам моддий-техник базасини яратиш, бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, юксак малака, педагогик маҳорат ҳамда чуқур мутахассислик билимларига эга бўлган педагог кадрлар билан таъминлаш каби масалаларга жиддий эътибор берилмоқда. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ҳамда академик лицейлар фаолиятини технологик ёндашув асосида ташкил этиш долзарб муаммо бўлиб, ушбу таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг янги педагогик технологиялар моҳияти, уларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш олиш соҳасидаги тушунчалардан қанчалик хабардор эканликлари ўрганилган муаммонинг ижобий ҳал қилинишини таъминлади. Шу мақсадда бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида таълим соҳасидаги муваффақиятларга эришишнинг асосий омили ушбу ўқув муассасалари ўқитувчиларида бошланғич синф меҳнат таълими дарсларига нисбатан технологик ёндашувни ҳарор топтиришдан иборатдир. Аммо ўқитувчиларда бошланғич синф меҳнат таълими дарсларига нисбатан технологик ёндашувни ҳарор топтириш уларда, аввало, педагогик технология моҳияти борасидаги назарий билимларнинг ҳосил бўлиши зарурлигини кўрсатди. Шу мақсадда тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларини бошланғич синф меҳнат таълими дарсларига педагогик технологияларни татбиқ этишга йўналтирилган фаолият моҳиятидан хабардор этувчи махсус тадбирларнинг уюштирилиши мақсадга мувофиқ бўлди.

2. Тажриба-синов ишлари жараёнида Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг назарий-амалий билимларни бериш, уларда кўникма ва малакаларни шакллантириш борасида муайян муваффақиятларга

эришиш респондентлар томонидан янги педагогик технологиялар моҳиятини пухта ўзлаштиришларига имкон яратди.

3. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида тарбиявий фаолият жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш масаласи ҳам бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, ушбу муаммонинг ижобий ҳал этилиши баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш учун замин яратади.

4. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида тарбиявий фаолият жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муваффақияти мазкур ўқув юртлари ўқитувчиларига назарий билимларни бериш асосида амалга оширилади. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларида тарбиявий ишлар жараёнини лойиҳалаш кўникмаси, шунингдек, ижодий педагогик сифатларни ҳосил қилиш мазкур ўқув юртлари фаолиятини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишдан кўзланган мақсаднинг амалга ошишига олиб келди. Тажриба-синов ишлари давомида бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг тарбиявий ишлар жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги шахсий ҳарашларини шакллантириш, улар томонидан муайян андозаларнинг яратилишига алоҳида эътибор қаратилди.

1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари ўртасида таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш борасидаги билимларни тарғиб этиш муайян режа ва аниқ мақсад асосида ташкил этилса, ижобий натижаларга имконияти вужудга келиши татқиқотларимиз натижасида аён бўлди. Татқиқот давомида амалга оширилган тажриба-синов ишлари аниқ мақсад ва пухта ишлаб чиқилган, бир неча бор холис экспертлар томонидан ўрганилган ҳамда маъқулланган дастур ва режа асосида ташкил этилди.

2. Тажриба-синов ишларининг натижаларини умумлаштириш, таҳлил этиш ва якуний хулосалар чиқариш жараёнида респондентларнинг педагогик

технологиялар назариясига оид билимлари, янги методларни таълим бериш фаолиятига татбиқ этиш хусусидаги амалий кўникма ва малакалари шаклланганлиги маълум бўлди. Олинган натижаларнинг математик-статистик, яъни Стюдент методи ёрдамида махсус равишда қайта ишланиши тадқиқот фарази тўғрилигини тасдиқлади.

Юқорида баён этилган хулосаларга таянган ҳолда Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари ўртасида янги педагогик технологиялар моҳияти борасидаги назарий-амалий билимларни тарғиб этиш, уларда педагогик фаолият жараёнида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, бу борада самарадорликка эришиш муваффақиятини таъминлашга хизмат қилувчи қуйидаги тавсияларни илгари сурамиз:

1. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган 2-синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари ўртасида кенг тарғиб этиш.

2. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг яхлит тизимини яратиш.

3. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларининг педагогик технологиялар назарияси оид манбалар билан қуроллантириш.

4. Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида фойдаланадиган манбалар мазмунига янги педагогик технологиялар элементларини сингдириш.

5. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янги педагогик технологияларнинг назарий асосларига оид ўқув методик адабиётлар билан таъминлаш.

6. Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган факультетларнинг Бошланғич синф ўқувчиларини янги педагогик технологиялар билан узлуксиз қуроллантириб боришга эришиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008, - 40,41-б.
2. Каримов И.А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори //Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқ – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. - 19б.

3. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўзимиз қурмоқдамиз //Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Туркистон-Пресс” ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавоблари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 410 б.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат этсин // Республика Президенти И.А.Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавоблари // Тафаккур ж., 1998. № 2. 1-16-б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол , иқтисод, сиёсат, мафкура (Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар). –Т.: Ўзбекистон, 1993. - 364 б.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1999. – 181 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси //Ўн иккинчи чақириш Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. –Т.: Ўзбекистон, 1992. - 46 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори –Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 20 - 29 б.
- 10.Азизходжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане (1960-1980 г.г.): Автореф. дисс... докт. пед.наук. –М.: 1991. - 37 с.
- 11.Азизходжаева Н.Н. Решональные особенности развития вўсшего педагогического образования в Узбекистане. –Т.: Фан, 1990. - 85 с.
- 12.Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. –Т.: Низомий номли ТДПУ, 2000. - 52 б.
- 13.Алексеев В.Е. Педагогические основы обучения техническому творчеству учащихся средних профтешучилих: Автореф. дис... докт. пед. наук. – Т.: 1990. - 40 с.

14. Беспалько В.И. Педагогика и прогрессивные технологии обучения –М.: ИРПО, 1996. - 336 с.
15. Беспалько В.И. Слагаемые педагогической технологии. –М.: Педагогика, 1989. –168 с.
16. Беспалько В.И., Татур Ю.С. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. –М.: Высшая школа, 1988. -144 с.
17. Беспалько В.И. Теоретические основы стандартизации образования //Педагогическое обеспечение государственного стандарта образования – М.: ИРПО, 1994. - с. 3-42.
18. Боголюбов В.И. Педагогическая технология: эволюция понятия. – Педагогика, 1991, №1. - с. 123-128.
19. Давлетшин М.Г. ва бош. қобилият ва унинг диагностикаси. –Т.: Ўқитувчи 1997. - 134 б.
20. Давлетшин М.Р. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. –Т.: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.
21. Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилии. – Т.: Фан, 1992. -с.
22. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении (О коллективном способе учебной работы). Кн. для учителя. – М.: Педагогика, 1991. – с. 132.
23. Заир-Бек Е.С. Проектирование учебных программ по педагогике //Педагогика в ВУЗе: наука и учебный предмет. - СПб.: РГПУ, 2000. - с. 365-387.
24. Заир-Бек Е.С. Теоретические основы обучения педагогическому проектированию: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. - СПб.: РГПУ, 1995. - 35 с.
25. Зиёмухаммедов Б. Янги педагогик технология: назария ва амалиёт. –Т.: Chinoz ENK, 2002. - 124 б.
26. Информационные технологии в системе непрерывного педагогического образования /Под ред. В.А.Извозчикова. - СПб.: Образование, 1996. - 224

- 27.Йўлдошев Ж./. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998. - 208 б.
- 28.Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш шароитида ёш авлодни маънавий тарбиялаш шакл ва усуллари. Илм-амалий, конф. мат. –Т.: ЎзПФТИ, 2001. - 287 б.
- 29.Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении //Кн.для учителя. – М.: Педагогика, 1987. - 190 с.
- 30.Касбий такомил ва фаолият самараси /Методик тавсия ва кўрсатмалар. 2-тўплам. – Жиззах. ЖДПИ, 2000. – 24 б.
- 31.Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках /Пособие к спецкурсу для высших педагогических учебных заведений, институтов усовершенствования учителей, повышения квалификации работников образования. - М.: Арена, 1994. – 147 с.
- 32.Курбанов Ш.,Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров. – Т.: Университет, 2000. – 103 с.
- 33.Магзумов П.Т. ва бошқ. Ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрлаш. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 208 б.
- 34.Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. - Т.: Фан, 1993. - 105 б.
- 35.Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний кадрлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед.фан.докт. ... дисс. – Т.: 2000. – 305 б.
- 36.Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т.: Ўқитувчи, 1998. - 94 б.
- 37.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – қарши. Насаф, 2000. - 79 б.
- 38.Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлари //Республика илмий-амалий конф. мат. – Т.: ЎзПФТИ, 2003. – 250 б.
- 39.Соғлом авлодни шакллантиришда янги педагогик технологияларнинг ўрни. Тошкент вилояти ёш олимларининг II- илмий-амалий анжумани мат. - Т.: ТВХТХМОИ, 2002. - 76 б.

- 40.Толипов Ў.Қ. Тажриба-синов ишларини ўтказишда янги педагогик технологиялар //Халқ таълими ж., 1999. № 2-3. - 63-67 б.
- 41.Толипов Ў.Қ.,М.Усмонбоева. Педагогик технология асослари // «Мактаб ва ҳаёт» журнаliga илова. – Т.: ЎзПФТИ, 2003. – 32 б. 151.Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси/ Дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 1997. - 232 б.
- 42.Турсунов И. Халқ таълимининг долзарб муаммолари. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 140 б.
- 43.Юсупов Э.Ю. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Т.: Университет, 1998. – 225 б.
- 44.Юсупов Э., Юсупов Ў. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. – Хўжанд, 1996. - 170 б.
- 45.Ғозиев Э. Тафаккур психологияси / Дорилфунунлар талалари учун қўлл. – Т.: Ўқитувчи, 1990. - 184 б.
- 46.Ғуломов С.С. ва бошқ. Ахборот тизимлари ва технологиялари. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2000. – 592 б.

ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Bob kizlik. Lesson Planning, Lesson Plan Formats and Lesson Plan Ideas..
www. ADPRIMA com.
2. Околелов О.П. Дистанционное обучение: сущность, дидактические особенности технологии. <http://www.lipetsk.ru/legi>
3. Мила Новик. Современные технологии в образовании (продолжение)// Новые знания.1999 №4 с 39-42 www.dvgu.ru/umu/didjest/newknow/yar99/mainkn99.htm.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари ўртасида таълимий
жараёни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги
билимларни тарғиб этишга йўналтирилган тадбирлар режаси

№	Тадбирлар номи	Тадбир шакли	Муддати	Масъул
1	2	3	4	5
1.	Педагогик технология назарияси ва унинг моҳияти	Маъруза	Сентябр	Тадқиқотчи
2.	Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини лойиҳалаштириш	Тренинг амалий мунозара	Октябр	Тадқиқотчи коллеж раҳбарияти
3.	Таълим мақсадларини аниқлаш ва уларни ойдинлаштириш	Мунозара	Ноябр	Тадқиқотчи респондент ўқитувчилар
4.	Замонавий таълим	Давра	Декабр	Тадқиқотчи

	технологиялари ва улар-нинг моҳияти	суҳбати		Тренер
5.	Хусусий фанлар жараёнига янги педагогик технология-ни татбиқ этиш	Амалий семинар	Январ	Тадқиқотчи коллеж жамоаси
6.	Таълим мақсадларининг назорат вазифаларига айлантириш	Танлов	Феврал	Тадқиқотчи коллеж раҳбарияти
7.	Янги педагогик технологияларни ўрганамиз	Илмий-назарий ва амалий ўқув	Март	Тадқиқотчи коллеж раҳбарияти
8.	Педагогик технология ва педагогик маҳорат	Очиқ машғулот	Апрел	Тадқиқотчи ўқув (ёки мута-хассислик) фан-ларининг ўқитувчилари
9.	Ўқувчи (ўқувчи) ларнинг билим, кўникма ва малака-ларини баҳолаш (муайян мезонларни ишлаб чиқиш)	Амалий тренинг	Май	Тадқиқотчи коллеж раҳбарияти

2-илова

Бошланғич синф меҳнат таълими дарслари ўқитувчилари ўртасида тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги билимларни тарғиб этишга йўналтирилган тадбирлар режаси

№	Тадбирлар номи	Тадбир шакли	Муддат	Масъул
1	2	3	4	5
1.	Педагогик технологияларни тарбия жараёнига татбиқ этиш моҳияти	Маъруза	Сентябр	Тадқиқотчи
2.	Тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ёндашув	Давра суҳбати	Октябр	Тадқиқотчи респондент Ўқитувчи
3.	Тарбия жараёнини лойиҳалаш	Амалий тренинг	Ноябр	Тадқиқотчи
4.	Тарбия мақсадини аниқлаш ва уларни ойдинлаштириш	Конференция	Декабр	Тадқиқотчи Коллеж раҳбарияти

5.	Ижодий лаёқатни намойиш этиш	Танлов	Январ	Тадқиқотчи Коллеж раҳбарияти
6.	Ижодкор педагог	Беллашув	Феврал	Тадқиқотчи Коллеж раҳбарияти
7.	Тарбия мақсадларини назорат вазифаларига айлантириш	Амалий семинар	Март	Тадқиқотчи Коллеж раҳбарияти
8.	Тарбия жараёнини ташқил этишда субъектларнинг роли ва ўрни	Мунозара	Апрел	Тадқиқотчи Респондент- ўқитувчилар
9.	Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий сифат ларини баҳолаш (махсус мезонларни ишлаб чиқиш)	Беллашув	Май	Тадқиқотчи респондент- ўқитувчи